

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА” КАФЕДРАСИ

5141500 – миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун 4-босқич
талабаси Мавлонов Фарходнинг

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
МУНОСАБАТЛАРИ**

мавзусидаги

Битирув малакавий иши

ГУЛИСТОН-2015

Иш кўрилди ва ҳимояга
тавсия этилди.

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири

_____ Р.Ж.Маҳмудов
“_____” _____ 2015 йил

Раҳбар: “Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси катта ўқитувчиси

_____ Ш.Кенжаев
“_____” _____ 2015 йил

ГУЛИСТОН-2015

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
МУНОСАБАТЛАРИ
РЕЖА:**

КИРИШ

**I-БОБ. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ ДАВЛАТ
СИЁСАТИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ
ЭКАНЛИГИ**

- 1.1. Оила тарбия маскани.**
- 1.2. Миллий ғоя ва оила маънавияти**
- 1.3. Оилада Ватанпарварлик маънавияти**

**II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
МУНОСАБАТ ОМИЛЛАРИ.**

- 2. 1. Оилада ота-онанинг ўрни.**
- 2.2. Соғлом оила – соғлом турмуш тарзида вужудга келиш
омиллари.**
- 2.3. Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолат омиллари.**

**III-БОБ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши
ва оила мустаҳкамлиги гармонияси.**

- 3.1. Юксак маънавиятли авлодни тарбиялашда мустаҳкам
оиланинг ўрни.**
- 3.2. Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг хусусиятлари.**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш чоратadbирларини ишлаб чиқиш,аёлларнинг оила ва жмиятда тутган роли ва ижтимоий мақомини ошириш,уларнинг ижтимоий фаоллигини ўстириш,иқтисодиётнинг турли тармоқларида хотин-қизлар фаолиятини кучайтириш,уларни иш билан таъминлаш,ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш орқали уларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш каби чора-тadbирларни ўзига қамраб олган.

Юртбошимиз оила институтини юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш,унинг нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.Чунки шахс маънавияти,унинг дунёқараши,инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар, асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила ҳақиқий маънавият ўчоғи,мафкуравий тарбия омили ва мустақил тараққиётнинг маънавий асосидир.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик халқимиз, миллатимиз тараққиёти учун кенг уфқлар очиб берди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бор куч-қудратини демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришга йўналтирган. Республикамизда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, мазкур масалани самарали ҳал этиш биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукамал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқдир. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг баркамол инсонлар юртимиз тақдирини ҳал қиладилар. Шунинг учун ҳам келажакка муносиб бўлган маънавий жиҳатдан етук

ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. “Маънавият соҳасидаги ишларимизнинг пировард мақсади, – дейди И.А.Каримов, – имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”¹.

Юксак маънавий маданият, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахсни тарбиялаш муаммоси сиёсий, иқтисодий, фуқаролик ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида оила ва уни давлат томонидан ҳимоя қилиниши, оилада бола тарбияси мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада жамиятнинг кичик бўлаги оиланинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши, ёшларга ғоявий тарбия беришдаги ўрни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда замонавий мутахасисларни тайёрлашдаги асосий тамойиллар сифатида таълимни инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви; уларнинг асосий сифатида эса миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар аниқ белгилаб олинганлигидан келиб чиқиб, шуни алоҳида қайд этиш лозимки ғоявий тарбия беришда оиланинг ўрни беқиёсдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган,

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 25.

уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз². Шу билан бирга, бугунги кунда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган яхлит таълим жараёни юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимизда оилада боланинг ахлоқий ва ижтимоий ўзига фазилатларини ҳисобга олиш асосида педагогик кадрларни тайёрлаш, юксак маънавиятли шахсни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Буни Президент И.А.Каримов ҳам алоҳида таъкидлайди: “Ҳеч бир жамият маънавий салоҳиятни, инсонлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашсиз ўз истиқболини кўра олмайди”³. Республикамиз Президентининг мазкур фикрларидан англаш мумкинки, оила муқаддас ошён эканлигидан келиб чиқиб педагог кадрларни тайёрлашда болада ахлоқийлик ва ижтимоийликни шакллантириш айнан оилада бошланиши лозимлигини тақозо этади. Бундай фазилатларни шакллантиришда қуйидагилар муҳим шрин тутати:

- оилада маънавиятлилиқ ва ахлоқийликнинг ўзаро алоқадорлиги;
- оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг берилиши ғоявий тарбия берилишида ижтимоийлашувнинг муҳим омили эканлиги;
- оила ва таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбиянинг, ўз навбатида, шахснинг социум билан муваффақиятли, самарали ўзаро ҳамкорлигига йўналтирилганлиги.

Соғлом оилада соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни шакллантириш ёшларни ғоявий тарбиялашнинг асосини ташкил этади. Шу боис, мамлакатимизда оиланинг муқаддаслигидан келиб

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.74-75.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва қафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.131.

чиққан ҳолда болаларнинг яъни ёшларимизнинг билим ва тафаккурини, маданий савиясини оширишга зарурий шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада мамлакатимизда оила ва ундаги маънавий муҳитнинг бола тарбиясидаги ўрни бекиёс эканлигини илмий асослаш муҳим ҳисобланади.

Ғоявий тарбия – бу инсонларнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларини шакллантиришни ифодалаб, болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, онгини билимлар билан бойитиш ва жамият учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга хизмат қилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда оила, шахс ва жамият муносабатлари, маънавият ва ахлоқий тарбия масалалари, шахсни шакллантиришда ижтимоий муносабатлар билан бирга оиланинг ўрни ҳалқимизнинг аجدодлар томонидан қолган азиз маънавий меросининг бир кўриниши бўлиши билан бирга, Шарк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Жалолиддин Румий, Абдулла Авлонийларнинг ғоялари ва қарашларида ҳам алоҳида ўрин тутати.

Ғоявий тарбияни шакллантиришда оиланинг ўрни бекиёс эканлиги мамлакатимизда болалар тарбиясида оила ва таълим жараёнида уларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи кенг ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, ўзига хос педагогик тизимнинг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади. М.Қуронов, С.Очилов, М.Ортиқов, А.Шеров, М.Маҳмудов, Р.Маҳмудов каби олимлар ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосларини ишлаб чиққанлар. Уларнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш, мазкур жараёнда миллий тарбия асосларидан самарали фойдаланиш, баркамол инсонни тарбиялаш

моделининг ишлаб чиқилганлиги эътиборга лойикдир.

Бироқ болаларда ғоявий тарбия жараёнида уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шаклланиши жараёнида оиланинг ўрни алоҳида ўрганилмаган .

БМИ нинг мақсади ғоявий тарбияда оиланинг тутган ўрни, оналарнинг вазифалари, оиладаги ахлоқий тарбиянинг ўрни ва аҳамиятини асослаш ва унинг мазмун моҳиятини илмий асослаб беришдан иборат.

БМИ нинг вазифалари:

1. Ёшларга ғоявий тарбия беришда оиланинг аҳамиятини ёритиб бериш,оилада бола тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолот омилларини илмий ўрганиш ;

2. Оила маънавияти ва ватанпарварлик тарбиясининг ўрнини ёритиш;

3.Ўзбекистонда оила,давлат ва жамият муносабат омиллари маънавий баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамиятини очиш;

4. Оилада ота – онанинг ўрни ,оила маънавияти,ватанпарварлик тарбияси масалаларини таҳлил қилиш ;

5.Маънавий баркамол инсонни шаклланишида оиланинг ўрни,комил инсон шакллантиришдаги вазифаларини ёритиш;

6.Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида оила ва оилавий тарбия масалаларини ўрганиш;

7.Мамлакатимизда оила мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар сарҳисоби.

БМИ нинг тадқиқот объекти: ғоявий тарбияда оиланинг ўрни ва оилада бола тарбиясининг давлат сиёсатидаги устувор йўналишларидан бири эканлигини,оила маънавияти,оиланинг комил инсонни шакллантиришдаги ўрнини ёритиш ва талаба-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда маънавий-ахлоқий маданиятни

юксалтириш.

БМИ нинг методлари: муаммога оид Президент И.Каримов асарлари,фалсафий, педагогик, психологик ҳамда социологик адабиётларни ўрганиш;Республикада оила фаровонлиги борасида амалга оширилган ислохотлар срихисоби; ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб; суҳбат, тест, интервью); кузатиш; баҳолаш.

БМИ нинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг “Оила” кодекси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси , “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ғоявий тарбия ва оила, миллий ғоя, маънавият ва маърифат марказлари, кадрларни тайёрлаш тизимини яхшилаш ҳамда юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тўғрисидаги фикрлари, Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида оила ва оилавий масалалар,комил инсонни шакллантиришда оиланинг ўрни, шахсни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш борасидаги қарашлари ташкил этди.

БМИ нинг илмий ва амалий аҳамияти:

1. Назарий таҳлил асосида мамлакатимизда оилада бола тарбияси давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бири эканлиги,ғоявий тарбияда оиланинг аҳамияти,ота-она маънавияти ,оилада ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ёритилди ҳамда мавзу моҳиятини акс эттирувчи таянч тушунчаларнинг фалсафий моҳияти очиб берилди.

2. Болаларни маънавий баркамол бўлиб етиштиришларида оиланинг ўрни, комил инсон тарбияси ва комиллик руҳида тарбиялашда ота-онанинг,оиланинг маънавий-ахлоқий фазилатлардан самарали фойдаланиш йўллари ва таълим мазмунига сингдириш имкониятлари аниқланди.

3.Ўзбекистонда оила,давлат ва жамият муносабат омиллари аниқланиб ,оилалар мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашга оид ислохотлар сарҳисоби қилинди.

БМИ нинг тузилиши:

Мазкур битирув малакавий иш Кириш, уч боб ва олти парагрф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ЭКАНЛИГИ.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта, бу бежиз эмас, чунки порлоқ эртаминнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Юртбошимиз Ислон Каримов айтганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган ахир оила аҳил ва тотув бўлса жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги-миллий фаровонлик асосидир». Демак, мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш давлатимизнинг асл мақсадидир.

1.1. Оила тарбия маскани.

Мамлакатимизда 1998-йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998-йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат Дастури»нинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг Х1 сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сўнг «Оила Кодекси»нинг бир овоздан қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 2-февралдаги 54-сонли қарорига биноан Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ҳукуматимиз томонидан оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

2012 йил “Муштаҳкам оила йили “ , 2013 йил “Обод турмуш йили”деб аталиши юқоридагиларнинг исботи эканлиги ҳаммамизга маълум. Янада мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экан , у қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

- оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

- оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш;

- оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзгор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

- оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ, этиш, оила хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистикаа ҳисоботини тўплаш ва такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оналик ва болаликни ҳуқуқий манфаатларини қо-нуний

муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оши-риш. оиланинг иитимой-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй мрлин.иии ва маданий майший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомил-лаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни, етим-есирларни ижтимоий қўллаб-қуватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Дарҳақиқат, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва

маънавий маданиятини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, оилада тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, ногиронликнинг турли кўринишларини олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, оилада комил инсонни тарбиялаш, ёшларни умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигида мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимини яратиш ва амалга ошириш замирида оила масалалари билан шугулланувчи мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом психологик муҳит яратиш замирида оилада баъзан учрайдиган жиноятчилик, никоҳнинг бекор қилиниши, гиёҳвандлик, носоғлом эътиқод, маиший нопоклик, ахлоқсизликнинг турли кўринишларга йўл қўймаслик каби масалалар бугунги кунда оилаларни жамият талаблари даражасида шаклланиши учун заминдир.

Мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шахдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган устивор йўналишларидан бирига айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Макамасининг қарорлари, оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ваи болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенсиялар ва декларатсиялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур англаш ҳамда ўз фаолиятлари жараёнида амал қилишга эришиш жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг гаровидир. Бунинг учун оиланинг турли қатламли аъзолари ҳуқуқий онги ва дунёқараши даражасини ошириш механизмини яратиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш зарур. Чунки, ҳуқуқий маданият даражаси юксак жамиятда оила,

она, ота ва бола ҳуқуқ ва бурчлари ҳамма вақт Конституция билан ҳимоя қилиниб, оила ажримларига, оилада учрайдиган шарқона ахлоқ нормаларига зид содир этиладиган баъзи хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар бутун дунё тинчликсевар халқларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Жумладан, мустақиллигимизнинг қисқа даври ичида республикамызда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили-Омбудсманнинг ташкил этилганлиги оила, ота, она ва бола ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларининг асосий мақсади оила деб аталмиш кичик жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оила ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда муҳофаза этилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва декларатсияларининг ратификатсия қилиниши бунинг яққол намунасидир. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумий декларатсияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 1948-йил 10-декабрдаги 217 АШН резолутсияси), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1952-йил 20-декабрдаги 640-сон резолутсияси), бир хил қийматдаги иш учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги (100) Конвенция (ХМТ Бош Конференциясининг 34-сессиясида 1951-йил 29-июнда қабул қилинган), оналикни ҳимоя этишга қаратилган (103) конвенция (Женева, ХМТ томонидан 1952-йил 28-июнда қайта кўриб чиқилган),

болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсия (БМТ 43 Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда), фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (БМТ Бош Ассамблеясининг 1966-йил 16-январдаги 2200-решолутсияси), хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенсия (БМТ Бош Ассамблеясининг 1979-йил 18-декабрдаги 34, 180-сон резолюцияси), болаларнинг яшашини, ҳимояланишини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон Декларатсияси, бошқа мамлакатларга болаларни оғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси (Гаага 1980-йил 25-октабр), 1995-йилда Пекинда 4-Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволи бўйича асосий ҳаракатлар дастури мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда муҳофаза қилиш борасидаги дастлабки муҳим қадамлардир, мақсад ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқларини ҳимоя этилишини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида йўлга қўйишга эришишдир.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жамият барпо этишнинг негизидир.

Бунинг замирида:

- аҳоли, шу жумладан, оила аъзоларининг ёш табақа-ларга мос ҳуқуқий битим бериш дастурларини яратиш, ҳуқуқий онг ва тафаккурини шакллантиришнинг самарали шакл ва методларини аниқлаш, бу борада ноанъанавий таълим-тарбия усуллари кенг фойдаланиш;

- ўқув юртлари, идора ва ташкилотларда ҳуқуқий мавзуни ёритувчи бурчаклар, хоналар ташкил этиш, ҳуқуқий билим кунлари ўтказиш, радио ўқувлари уюштириш;

- ҳуқуқий мавзуга бағишланган оммабоп рисолалар, газета ва журнал мақолалари, мутахассис маслаҳатларини чоп этишни

кучайтириш, рукнлар ранг-баранглигига эришиш;

- оила ҳукуки бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- жойларда бахт ва никоҳ уйлари қошида бўлажак келин-куёвлар учун махсус ўқув курслари, «Оила» клублари, «ҳукукий маслаҳат» телефонлари ташкил этиш ва тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тайёрлаш;

- оилаларда ҳукукий билим беришни такомиллаштиришга ёрдам берувчи соистиологик тадқиқот ишлари олиб бориш ва унинг натижалари асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан бошқа мутасадди давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш ётади.

Жамиятда юз берадиган барча ўзгаришлар оилага, оиладаги маънавий муҳит, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётига таъсир қилади.

Ҳар бир даврнинг ўз дарди, талаби ва эҳтиёжлари бўлади. Мустақиллик одамлар ва жамият тақдирига тааллуқли жуда кўп

жумбоқларни ечиб ташлаш билан баробар маънавиятимизнинг қатор муаммоларини кўндаланг қилиб қўйди. Айниқса, ахлоқ-одоб масалалари катта аҳамият касб этиб қолди. Бунинг сабаблари кўп: бир томондан, инсон деб аталмиш ҳаёт гултожисига бўлган муносабат ўзгарди, уни азалий ва абадий пок маънавият йўлига қайтариш режалари тузила бошланди; катта ёки кичик, яхши ёки ёмон, илғор ёки жоҳил миллат бўлмаслиги, ёмонликнинг миллати-ю, яхшилиқнинг чегараси йўқлигига қаноат ҳосил қилдик: Инсон ўз миллати анъаналари ва умумбашарий кадриятлар асосидагина камолотга эришиши қогозда эмас, амалда тан олинди; иккинчидан, сохта

байналмилалчилик, қогоздаги халқлар дўстлиги ғоялари одамлар орасида узоқ, замонлардан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган биродарлик туйғуларига раҳна солиб қўйгани, одамларнинг миллат ажратмаслиги учун, бир-бирига меҳрии-оқибатли бўлиши учун уруш ёки қаҳатчилик, зилзила ёки табиий офатлари қошидан кечиришлари шарт эмаслиги, ижтимоий адолат ўрнатилган жойда халқлар ва миллатларнинг чин инсоний фазилатлари гуркираб унишига ишонч ҳосил қила бошладик. Айрим одамларни алдаш мумкин бўлса ҳам миллатларни узоқ алдаб бўлмаслигига энди ҳамма тушуниб етди.

Тоталитар тузум даврида республикамизда шарқона қадриятлар асосида оилани барпо этиш, шакллантириш ва барқарорлигини таъминлашга етарли эътибор берилмади. Оилани жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида ҳар томонлама муҳофаза этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмади.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарм-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлган ўзга маданият анъаналари ёшлар онги, дунёқараши ва шуурига салбий таъсир этиши натижасида баъзи салбий ҳолларнинг пайдо бўлиши юз берди.

Миллий анъаналар маънавий соғлом оилани барпо этади.

Соғлом миллийлик барқ урган жойда умумбашарий фазилатларнинг қадрига етиш ҳам ортади, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам камол топади. Ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам гўзаллик ва одоб тимсоли бўладиган келин тушириш одатимизни олайлик. Карнай-сурнай садолари янграган кўчада тўй, шодлик, маҳалла аҳли тўпланади.

Айнан шу масканда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Бу сифатлар она сути, оила аъолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи,

хатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган фикрларини оила тарбиясининг методологик асоси сифатида қабул қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунни ҳам оила иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас. Ҳаётнинг ўзи таълим тизими олдида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигида баркамол қилиб шакллантиришни ҳар бир ота-она, педагог, жамоатчилик олдида қўймоқда. Шунинг учун республикаимиз фуқаролари олдида турган эндиги вазифа таълим-тарбия тарихини оила давраида қунт билан ўрганиш, унда олға сурилган илғор ғоялардан баҳраманд бўлишдир. Чунки ўзбек диёрида дунё илм-фан хазинасига беадад улуш қўшган ал-Хоразмий, ал-Беруний, Аҳмад Фарғоний, ал-Форобий, ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби алломалар замонлар яшаб ижод этганлар. Улар қолдирган маданий меросни ўрганиш ҳар бир оила аъзоси учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек, «Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илгор билимларга эга бўлган ҳолда улуг бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йуналиши, деб биламиз».

Бунда эса инсон улғайишида асосий давр бўлган ўсмирликдаги тарбия ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу паллада унинг ички дунёси, ўзига хос хислатлари шаклланади. Бу даврда ота-она, устозлар улар

тарбияси билан узвий равишда шуғулланишлари лозим. Уларнинг саломатлигига ҳам алоҳида диққат-эътибор зарур. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, камолотга элтувчи йўл маърифат, шунга яраша ғайрат-шижоатдир. Ҳар бир халқ ҳар бир авлоднинг баркамоллик даражаси пировард натижада шу халқ истикболини, тараққиёти ва тақдирини ҳал этади.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш — фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдават аҳамиятига молик масала — кўп миллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун бирдай эзгу мурод мақсаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлар бирлашади, тарбиянинг қудратли омилига айланади. Халқимиз ирсиятини бойитиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, давлат ва жамиятнинг муштарак муддаоси бўлмиш комил инсон шахси — XXI аср одами шаклланади. Тарихчиларнинг ёзишича, Темурбек болалик ва ёшлик чоғларидаёқ, бугунги кун тили билан айтганда, ҳарбий-спорт ўйинлари ва машғулотлари билан жиддий шуғулланиб, баданини ва руҳини чиниқтирган. Агар жисмоний тарбияни отасига хизмат қилган махсус навкар-мураббийлардан олган бўлса, руҳний тарбияни отасининг пири бўлмиш Шайх Шамсиддин Кулол даргоҳида эгаллаган.

Болалигидаёқ ўзини буюк ишларга ҳозирлаган Амир Темур фарзандлари ва набираларининг тарбиясини ҳам бир лаҳза бўлсада, назаридан қочирмади. Улуғ ҳукмдор ўз ўғиллари ва набираларига энг аввал жангу жадал машаққатларига чидам беришга қодир куч-қувват ва жасорат, шунингдек, салтанатни бошқариш учун талаб этилган илму дониш соҳиби бўлишларини талаб этарди.

Амир Темур ўз даврининг маърифатли кишиси, ўтмишнинг маънавий сабоқларидан яхши хабардор инсон сифатида соғломлик

фақат жисмоний куч-қувват эмас, балки олийжаноб инсоний фазилатлар уйғунлигига эришмоқ эканлигини ҳам яхши англаган. У барлосларнинг улуғ амирларидан бўлмиш падари бузруквори, муаррих Шарофиддин Яздий таъбири билан айтганда, «уламо ва сулаҳо ва мутафаккирларга мушфиқ ва меҳрибон» Муҳаммад Тарағайдан олган сабоқларни бир умр унутмади. Муҳаммад Тарағай ўз фарзандини мардлик ва фаросатлилик, қаттиқ қўллик ва меҳр-оқибат руҳида вояга етказди. Агар Амир Темур буюк салтанатга асос солган бўлса, бу шарафга мана шу юксак тарбия оқибатида эришган.

Соҳибқирон фарзандларида уч хислат мужассам бўлишини истарди. Энг аввало, инсонпарварлик, сўнг мушоҳадалик ва ниҳоят, оқибатлик — босиқлик. Инсонпарвар одамгина сахий бўлиши мумкин. Мушоҳадали, босиқ одамгина жангу жадалда хатога йўл қўймасликка, улкан салтанатни бошқаришга қодир. Кимки жасур болса-ю, инсонпарвар бўлмаса, жисмонан бақувват бўлса-ю, мушоҳадалик бўлмаса, доно бўлса-ю, босиқлик бўлмаса, ундай одам комил инсон бўлолмайди, ундай одам бошқаларни ҳам, ўзиниям ҳалок этади. Кимки рақиби билан олишгандаям инсонпарварликни унутмаса, у албатта енгади. «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш кучидан ўн карра фойдалироқдир», деб таъкидлайди улуғ соҳибқирон Амир Темур.

Бобокалонимизнинг фарзандлари ва авлодининг қандай фазилатларга эга бўлиш билан боғлиқ истакларини билиш учун, аввало, «Темур тузуклари»ни варақлайлик. Унинг дастлабки саҳифаларидаёқ шундай фикрни уқиш мумкин: «Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир». Бу ҳикматда бобомизнинг соғлом ва комил инсон хусусидаги тушунчаси, яъни етук инсоний фазилат ва хусусиятларга эга инсонгина мамлакат таянчи бўла олади, деган

мушоҳадаси мужассамлашган. Бошқа бир ўринда Соҳибқирон қатъийлик, сабрчидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат соҳиби бўлган инсон ҳар қандай машаққатли ишни амалга оширишга қодир, деб таъкидлайди.

Соҳибқирон бобомиз ҳарбий сафарларга фарзанду набира-ларини бирга олиб кетарди. Бундан кўланган биринчи муроди

жони унинг ахлоқу одобида. Шунинг учун ҳар бир миллат ўз урф-одатлари, инсоний фазилатларининг жон-куяри, шу фазилатлар учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уриб, боринги, ҳаётнинг барча аччиқ-чучук қисматларига бардош беради. Миллат бошига энг оғир кулфат тушганда ҳам у ўзининг маънавиятини бозорга олиб чиқмайди, номусини сотиб, виждонини поймол этиб кун кўрмайди. Тарихнинг барча иссиқ-совуқ зарбалари, табиатнинг барча ёруғ, қора кунларига миллат ўзининг ахлоқий-маънавий бойлиги ила бардош беради. Ана шунга кўра бирор кимса орттирган обрў, бирор инсон эришган ёрлиғ, бирор одам келтирган шуҳрат ҳам, кимларнингдир қинғир ишлари, нобакорнинг фиску фижури, дилозорнинг тухмат ханжари — ҳамма-ҳаммаси эл-юрт, миллат юрагига, руҳига таъсир қилади.

Охирги пайтларда кексаларимиз орасида «ёшларнинг одоби бузилиб кетди» деган таъналарни эшитадиган бўлиб қолинди. Бировларнинг молу мулкига ва жонига қасд қиладиган пас нусхалар илондек изғиб қолганини кўриб, эшитиб юрибмиз. Бир пайтлар дарвозаси кулф бўлмаган, бир неча ойлаб уй-жойини кўни-қўшниларга ишониб дала ҳовлиларига кўчиб кетадиган ўзбегим бугун келиб эшик тақилласа аввал деразадан мўралайдиган бўлиб қолди. Шунга ўхшаш касалликларнинг ижтимоий сабаблари бўлса-да, ахлоқ-одоб борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам уларга сабаб бўлмоқда.

Бир пайтлар оналар елкасига ағдарилган «эркинлик» юки уларнинг оиладаги биринчи навбатдаги тарбиячи эканликларини чиппакка чиқарди. Оналар мамлакат иқтисодий, моддий бойлигини

кўпайтириш учун шунчалик дадил ва кенг жалб этилдики, пировардида улар ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам руҳий бойлигидан жудо бўлиб қолдилар. Бир неча болани вояга етказиш, тарбиялаш ва оёққа турғазишнинг ўзи улкан ижтимоий, миллий ва умумбашарий бойлик эканига аҳамият берилмади. Аёлларнинг ўзларига қарашга вақти бўлмагач, болалар тарбиясига вақти бўлармиди? Айрим ёшлардаги беандишалик, беҳаёлик ва безориликларнинг илдизи ана шунда.

Оилада ёш авлодни ота-она намунаси оила анъаналари, шажараси, касб-кори, ахлоқий-маънавий қадриятлари асосида тарбиялаш, улар онгида оилага садоқат, ўзаро меҳрмуҳаббат, ҳурмат ҳиссини шакллантириш воситасида уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш кутилган натижа беради. Бунинг учун ота-оналарни тарбия жараёнига тайёрлаш мақсадида ота-оналар университетлари ишини тиклаш ва такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим мазмунига «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» курсини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарга оила тарбиясида методик ёрдам берувчи «Оила кутубхонаси» сериясидаги китобчалар ва махсус «Оила» журнаlinesи нашр қилишни йўлга қўйиш, барча йўналишлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига «Оила психологияси ва педагогикаси» курсини жорий этиш оилани намунали тарбия масканига айлантириш воситасидир.

Балоғатга етаётган йигит-қизларимиз ўтказилаётган таълим, ислохотларидан мамнун бўлиши табиийдир. Шунинг учун, республикаимизнинг барча вилоятлари, туманлари ва қишлоқларидаги ўқув даргоҳлари замонавий услубда жиҳозланиши, таълим тизимига эса янгича руҳ киритилиши, Халқ та'лими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари умумтаълим мактаблари тарбия мазмунини, оила таълими ва тарбияси билан ҳамоҳанг равишда амалга ошириш зарур. Бунинг учун эса:

- таълим-тарбия шакллари, усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос тарзда ривожлантириш; таълим, маданий-маърифий муассасаларни янги замонавий техника ва технология асосида жиҳозлаш;

- ўқитувчи-мураббийларнинг, ота-оналарнинг ижодий изланишларини ва маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари топиш;

- қишлоқ ёшлари учун таълим-тарбия муассасаларининг илғор моделларини ҳаётга кенг жорий этиш;

- оила-маҳалла-мактаб тизимида таълим-тарбия самарали мазмунини ва усуллари амалиётга кенг жорий этиш;

- ёшларнинг бўш вақтларини оила-мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигида қизиқarli, мақсадли ташкил этишга эришиш зарур.

1.2.Миллий ҳоя ва оила маънавияти

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган покланиш, оила, оилавий муносабатлар, оилада маънавий ва жисмоний баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар қилишни тақозо этди. Жумладан: оиланинг жамиятдаги ўрни, оилавий муносабатларга боғлиқ миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизлари аجدодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш, миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш, ўзбек оиласига хос хусусиятларни яратиш ва кенг тарғиб қилиш жамиятнинг асосий негизи оилани мустақиллик мафкурасига мос шаклан ва мазмунан шакллантиришнинг гаровидир.

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи. Уни тўла, одилона эгаллаш ва ривожлантириш эса

ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Ўз маданий меросини, қадриятларини билмаслик ёки менсимаслик манқуртликдир. Уларни бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик эса миллат ва унинг истиқлоли учун фожедир. Маънавияти юксак даражада ривожланган инсонгина истиқлол, ватанимизнинг улуғ бир келажаги учун меҳнат қилишга ўзида куч ва қудрат топа олади.

Шахс маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади.

Шу боисдан, маданий меросдан, бугунги кун қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, маданий мероси ва маънавий қадриятларига, динига ва ахлоқига ва ҳуқуқий амалиётига, турмуш тарзига танқидий кўз билан қарай олиш -мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий асосидир. Мана шу маънавий асос ҳар бир ота-она, оилага кириб борсагина оила маънавияти қарор топиши табиийдир. Аксинча, бўлса эса оиладаги ҳар бир ёшни жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларни нотўғри талқин этишга олиб келади.

Ўзбек оиласида ватанига, халқига, оиласига, истиқлол ғояларига садоқатли, фидокор, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, эътиқоди юксак, иқтидорли, ташаббускор, масъулиятли, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш келажаги буюк ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун гаровдир,

Юксак маънавиятга эга ота-она оиланинг моҳияти, қадри, бурч, масъулият, оила вазифалари, оилада баркамол фарзанд тарбияси, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, унинг осойишталигини сақлаш каби вазифаларни англаб етади ва унга амал қилади.

Юксак маънавиятли ота-она фарзандларини инсонпарвар, ватанпарвар, ахлоқий жиҳатдан пок, билимли, камтар, олийжаноб қилиб тарбиялайди.

Маънавият илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат,

халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар, дин ва бошқа кўплаб тарихий амалий ва замонавий қадриятларнинг таъсирида шаклланади. Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги оила аъзолари таъсирида шаклланади.

Ўзбек халқи қадимдан оила маънавиятига алоҳида эътибор қаратган. Бугунги кунда маънавий меросдан фойдаланиб, мустақил республикамиз талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялаш ҳар бир оиланинг муқаддас бурчидир.

Бу бурчни шараф билан адо этиш оилада ёш авлод онгига авлодлар шажараси, касб-кори, урф-одатлари, анъаналари, тарбия усуллари, жамият тараққиётидаги ўрни, ўзига хос ижобий тарихини сингдириш, ундан ғурурланиш ҳиссини тарбиялашдан бошланади. Ўз ота-онасидан, оиласи, авлод-аждодлари тарихидан ғурурланган инсон ўз ўлкаси, миллати, халқи, тили, дини, маданиятидан ғурурланиши, уни авайлаб-асраши, дунёга кўз-кўз қилиши табиийдир. Бунинг учун оилада боланинг онгига ёшлиқдан бошлаб «сен тарихи бой, улуг миллатнинг фарзандисан», «сен улуг мутафаккирлар, алломаи-замонларни дунёга келтириб, тарбиялаган бобокалонларнинг аждодисан», «ўзбек халқи бой маънавиятли, ватанга, халққа, садоқатли халқ», «Бизнинг мамлакат дунёда табиати энг гўзал, бой диёр» каби тушунчаларни сингдириб бормоқ лозим.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнат-севарлигига боғлиқ эканини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир». Шу боисдан ҳам ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида

фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир оиланинг, фуқаронинг, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бурч ва вазифаси ҳисобланади.

Юртбошимиз ўзларининг нутқларида ёшлар тарбияси, оилада тарбия масаласига барчанинг диққатини қаратаётгани бежиз эмас, чунки XXI асрда яшаб самарали меҳнат қилиш, ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этиш асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Шунинг учун ёшларни чуқур билимли, юксак маданиятли, меҳнатсевар ва ташаббускор шахслар етиб шакллантириш оилада ҳаёт тажрибасига эга, турмушнинг аччиқ-чучугини қурган, қи-йинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимиз ва ота-оналарнинг, шу билан бирга, мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар ва жамоатчиликнинг асосий вазифасидир.

Сир эмаски, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини теран англамаслик, лоқайдлик, маҳаллийчилик, маънавий ва моддий қадриятларга бепарволик оила маънавиятига салбий таъсир этувчи иллатлардир. Бунинг олдини олишнинг муҳим воситаларидан бири оилада бўш вақтни самарали ташкил этишдан иборатдир.

И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида айтганларидай, «Санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўриниб қолган» эди.

Бундай миллий урф-одатларимиз ва ахлоқимизга зид келадиган қилиқлар қаердан пайдо бўлди? Давр таққозосими? Инсоният камолоти ифодасими? Ёки маънавий-тарбиявий ишларимизнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигими?

Шуни унутмаслик керакки, инсоният ва миллатлар такомили ҳеч қачон миллий анъаналарни поймол этиш, ахлоқу одоб пардаларини ғижимлаш эвазига эмас, аксинча, инсонни янада баландроқ маънавият,

поклик ва одоб чўққисига олиб чиқишда намоён бўлади.

Одамларнинг онгини, руҳиятини, исму жисмини поклантириш ҳозирги кундаги тарбиявий-маънавий фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Бунга сабаблар кўп. Бир ўринда ўтмиш даврлар асоратидан қутилиш кўзда тутилса, иккинчи ўринда инсон табиатида учрайдиган, кези келганда хуруж қилиб турадиган қусурлардан қутулиш эҳтиёжи ҳам мавжуд. Мустақиллик замони ана шундай объектив ва субъектив инсоний хусусиятлар, фазилатларни поклантириш йўлига, азалий ва миллий тараққиёт ўзанига солиб юборди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ўзининг умумбашарий моҳиятини намоён этиш имкониятига эга бўлди.

Миллий анъана ва қадриятлар ривожини шундай бир диалектик принципга асосланганки, кимки ўз халқи миллий қадриятини бошқа

миллат қадриятларига тескари қўймаган ҳолда ва аксинча, бошқа миллат маънавиятини чуқур ҳис қилиш даражасига ўсиб чиқса ва ўз миллий қадриятини бемалол ва беминнат намоёниш этиш имкониятига эга бўлса, миллий муносабатларда дўстона иқтисодий ва маънавий мулоқотдан ўзга ният бўлмаса, ана шунда турли миллатларнинг маънавиятини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади.

Ўз тарихини, маънавиятини, қадриятларни ўзи бунёд этувчи халқ, элат ва миллатларга энди шундай имкониятлар яратилмоқдаки, халқимизнинг ҳам жаҳон халқларига фахрланиб, ифтихор туйғуси билан кўз-кўз қиладиган фазилатлари қанчалик мўл-кўл бўлса, янги туғилиб, шаклланиб қоладиган қусурларни бартараф этишга ҳам ақли ва заковати етарлидир. Буни миллий урф-одатларимиз, ахлоқу одобимиз, чин инсоний неъматларимиз тақозо этади.

Бинобарин, «Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислохотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб

ўта олади. Сарчашмалари буюк аجدодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».⁴

Оилавий байрамларни нишонлаш, ёшлар тарбиясида алла, эртак, халқ мақол ва маталларидан, қўшиқларидан самарали фойдаланиш, биргаликда маданий хордик, чиқаришни, миллий спорт ўйинларини ва мусобақаларини, тарихий обидалар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, бошқа миллат маънавиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, оила китобхонлигини ташкил этиш, оилада тил, мулоқот ва кийиниш маданиятига алоҳида эътибор бериш, фарзандларга касб-хунар ўргатиш, оилада бўш вақтни ижтимоий фойдали меҳнат воситасида самарали ташкил этиш оила маънавиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича 1998-2000-йилларга мўлжалланган Дастур»и муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг маънавий-маърифий юксаклигига эришиш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этар экан, бу борадаги ишларнинг тамал тошлари айнан оилада қўйилади. Жамият маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ ишлар қуйидаги стўналишларда амалга ошириладиган таълимий ва тарбиявий тадбирлар воситасида олиб борилмоқда, бу албатта оила билан ҳам боғлиқдир:

- маҳаллалар, оилалар ва хотин-қизлар орасида амалга ошириладиган маданий-маърифий тадбирлар тарзида;

⁴ И А Каримов .Биздан озод ва обод Ватан қолсин». «Ўзбекистон» 1994 104-105бетлар.

- мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим ўқувчи, талабалари, ёшлар ва бошқа тоифадаги фукаролар ўртасида олиб борилаётган тадбирлар;
- оммавий-ахборот воситалари, матбуот воситасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар;
- маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш билан боғлиқ;
- илмий-назарий, илмий-амалий ва илмий-методик йўналишларда тадқиқот ишлари олиб бориш, соистиологик тадқиқотлар ўтказиш;

Оила-маҳалла; оила-мактаб; оила-жамоатчилик; оила-олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ҳамкорлиги тизими асосида ўтказиладиган тадбирлар албатта ижобий самара бериши табиий.

Халқимизда шундай миллий одат, анъана ва фазилатлар борки, улар бошқа халқларда йўқлигидан ташқари, инсоният маънавиятининг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотишга имоним комил. «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил, — деган эди И. А. Каримов. — Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан учун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз». Жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олийжаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий-ахлоқий расм-русмлар исбот қилиб келмоқда. Биргина тўй маросимимизнинг ўзини миллий фазилатларимизнинг гулдастаси деса бўлади. Ўзбек хонадонидаги бирорта тўй кенгашсиз, маслаҳатсиз ўтмайди. Ҳатто, келин ва куёв танлашдан бошланадиган одатларимиз ҳам келажакдаги ёш оиланинг тинч-тотувлигини назарда тутди: кимнинг фарзанди, ота-онаси қанақа одамлар, маҳалла-қуйда обрўси қанақа, мустақил оила тебратиб

куришга қурби етадими, ёмон қилиқ ёки одатлари йўқми, қариндош-уруғлари қанақа одамлар, ҳатто авлод-аждодларида бирор андуҳлик аломатлари бўлмаганми? Бу саволларга ижобий жавоб олингачгина икки томон ўз рози-ризалигини беради. Бундай одатларимизнинг нимаси ёмон? ҳа, деб бунақа саволлар билан келин ё куёв изланса, ёшларнинг мустақиллиги, муҳаббати поймол этилмайди, деган эътирозлар бўлиши мумкин. Тўғри, баъзан ота-она обрўси муҳаббатдан устунлик қилган далиллар учрайди. Лекин, умуман олганда, синаб-суриштирган оилаларнинг қудачилиги, ота-оналар бош-қош бўлган тўю-томошаларнинг натижаси яхши бўлиши ҳаммага аён.

Одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларни бир тан бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пир-ҳикмат урф-одатларимизни санаб адо этиб бўлмайди. «Ҳашар» деб аталган шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. «Вақт — пул» деган ақида бутун дунёга илдиз отган пайтда ўз вақтини текинга, одамгарчиликка, миллий урф-одатга беминнат баҳшида этиш инсоний эҳсонликнинг чўққиси эмасми?

Миллий урф-одатларимиз, ота-бола, қайнона-келин, қариндош-уруғчилик ва ҳоказо маънавий зийнатларимизни ўйласак, кўз олдимизга биринчи галда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи келади. Назаримда, ўзбек халқининг миллий фазилатларини улуғловчи, уни дунёдаги энг нозиктаб халқлар қаторига олиб чиқиб, кўз-кўз қилган бу романга тенг келадиган асар ҳамон яратилгани йўқ. Ўқувчилар ҳатто этнографик йўналишда бўлсада, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган ўзбекона асарларга чанқоқ бўлиб юргандек туюлади.

1.3.Оилада Ватанпарварлик маънавияти

Баркамол ахлоқ ва яхши хулқ, бирданига пайдо бўлмайди. Халқ, ахлоқий мезонлари кўҳна она замин билан, Ватан деб аталмиш мўжиза бир диёр билан, унинг жонли ва жонсиз хилқати, қуёши, ҳавоси, булоғу дарёларига руҳий ришталар билан боғланган. Бу ришталар худди она вужудидан ҳаёт нурини оловчи бола киндиги сингари она заминга уланган. Ана шунинг учун ахлоқий тасаввурларимиз, адаб мактабимиз пировард натижада миллат учун, унинг обрўси ва истиқболи учун хизмат қилсагина бошқаларда эҳтиром ва ҳавас туйғуларини уйғотади; ана шундагина миллат ўз ўтмишини, тақдирини, урф-одатларини унутмайди. Яхши фазилатлар, одатлар, анъаналар ва имонли кишилар сиймоси авлодлар йўлини шамчироқ, янглиғ ёритиб боради.

Дунёда шундай бир китоб борки, у ҳеч қачон ўқиб тугатилмайди, шундай бир мусиқа асари борки, уни охиригача ижро этиб бўлмайди. Бу халқ, миллат ҳаёти, тақдири, урф-одатларидир.

Мустақиллик туғилган тилларни бийрон қилиб юборди, эгилган билакларга куч берди, орзуманд нигоҳларга нур бағишлади, тафаккур уфқини кенгайтди, миллат тақдири ва инсоний идеаллар қисматини адолат ва истиқбол тарозиси учига қўйди.

Ҳар инсон ўз қўшиғини айтиш билан баробар замон ва миллат куйига кулоқ, тутиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолди. Шу боис, баъзи унутилган ёки одатий бир йўсиндаги фазилатларимиз, ахлоқу одоб соҳасидаги бебаҳо мулкимизни эслаш қанчалик кўнгилни яшнатиб юборса, замона зайли билан халқимизга кириб қолган ёки таъбимизни хира қилаётган жиҳатлар шунчалик дилимизга озор беради. Ватан-остонадан бошланади. Демак, Ватан оила остонасидан бошланади. Ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш шу оилада шаклланиши зарур. Бурч - ота-она олдидаги фарзанд бурчи, фарзанд олдидаги ота-она бурчи ва вазифалари айнан оилада шаклланишига

эришиш зарур. Бу ўринда оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш жоиз.

Ватанпарварлик ҳиссини ўз фарзанди қалбига сингдиролган ота-онанинг, шундай рух, билан яшайдиган халқнинг келажаги порлоқдир.

Дарҳақиқат, мамлакатда мавжуд 5 миллионга яқин оилаларнинг аксарияти, аҳолининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Юртбошимизнинг Олий Мажлис X сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ аҳолисига, оилаларга маиший ва маданий турмуш шароитини яратиш, қишлоқда саноатни, маиший хизмат шохобчаларини олиб кириш, замонавий уй-жой, мактаб, касалхоналар, поликлиникалар барпо этиш ва уларни фойдаланишга топшириш, аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг ишсиз қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш - оила фаровонлиги, унинг иқтисодий манфаатларини юксак савияга кўтариш учун заминдир.

Оилада кичик оилавий бизнесни йўлга қўйиш, оилавий корхоналар, оила пудратини ташкил этиш деҳқон, фермерлик фаолиятини кучайтириш оилада тадбиркорликни, йўлга қўйиш унда «Уста-шогирд» анъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш оилада тўкинлик ва фаровонликни таъминлаш учун заминдир. Ҳар томонлама бадастир оилада эса жисмонан ва маънан соғлом тадбиркор, ишбилармон, меҳнатсевар шахс шаклланади ва вояга етади.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТ ОМИЛЛАРИ.

2.1. Оилада ота-онанинг ўрни.

Оила ва жамият бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунча бўлиб, жамиятнинг ўзи ҳам оилалардан ташкил топади. Оила эса ўз ўрнида жамият барида вужудга келади, ривожланади. Айни пайтда оиланинг жамиятда ўз вазифалари мавжуд.

Оиланинг моҳияти ва вазифалари дунёдаги барча халқлар учун бир хилдир. Лекин унинг ташкил топиши, тараққий этиши ва оиладаги вазифаларни бажариш жараёнлари ҳар бир халқда алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга.

Мустақиллик муносабати билан ўзбекларнинг оилавий ҳаётида истибдод йилларида таъқиқ остида бўлган баъзи хусусиятларни тиклаш масаласи ҳал қилинмоқда. Масалан, тарихан ташкил топган ҳовлининг ташқи ва ички ҳовлига бўлиниши — халқнинг миллий руҳини, иймону эътиқодини, тоату ибодатини акс эттирган.

Ҳовлиларнинг ички ва ташқига бўлиниши аёлларда фаросат ва малоҳат туйғуларини шакллантиришга, фарзандларнинг ҳар хил одамлар нигоҳидан йироқроқ бўлишига, ортиқча гап-сўзларни эшитмасликка, катталарнинг ишига аралашмасликка имкон берган. Айниқса, бу миллий одат тўй ва маъракаларни ўтказишга катта қулайликлар туғдирган. Европа маданиятининг баъзида кўр-кўрона тарғиб қилиниши оилада ҳам ўз аксини топди, тарбиявий таъсирнинг камайишига, ожизланишига олиб келди, маънавий қашшоқланиш кучайди. Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, халқнинг оилавий қадриятлари аста-секин тикланмоқда, сунъий равишда

турмушга киритилган айрим оилавий маросимлар халқ назаридан қолиб бормокда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» дейилади. Янги «Оила кодекси»га ва Конституциямизнинг 63-модда, 2-қисмига биноан «Никоҳ томонларнинг у ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади. Янги оила БМТнинг 1948-йил 10-декабрда қабул қилинган.

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 16-моддасида шундай бандлар мавжуд:

Балоғат ёшига етган эркеклар ва аёллар ирқи, миллати ва диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли.

Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

Шу билан бирга оила ҳуқуқи — никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартлари; эр-хотин, ота-она билан болалар ўртасида васийлик ва ҳомийлик, бола асраб олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатлар; фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш тарзини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида қайд қилганидек, «бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин

эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғ-рисида эмас. балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир». Франстуз ёзувчиси Виктор Гюго (1802—1885)нинг бу ҳақдаги қуйидаги фикри жуда ўринли баён этилган: «Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда, у келажакни ҳимоя қилган бўлади».

Кейинги вақтларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида аёллар мавқеини ўз ўрнига қўйишга йўналтирилган нодавлат ташкилотлари ҳам юзага кела бошлади. Шу жиҳатдан 1997-йили Тошкентда «Аёл ва жамият*» институти ташкил топиши билан боғлиқ бўлган масалаларни баён этмоқ лозим. Адлия бошқармаси рўйхатидан ўтказилган бу институтнинг тадқиқотчилик ва сиёсий таълим бўлимлари мавжуд.

Инсон камолотининг кўринишларидан бири-обрў-эътиборга эга бўлишдир.

Обрў бир кун ёки бир йил мобайнида ҳосил бўладиган жараён эмас. Обрўни инсон ҳаёт мазмунидаги фаолияти жараёнида аста-секин шаклланиб боради. Ота-онанинг оиладаги обрўси тарбия воситаси сифатида хизмат қилади. Обрў оилавий муносабатлар жараёнида шаклланади.

Маънавий ахлоқий хислатларни, замон руҳига мос тушадиган фазилатларни шакллантиришга қаратилади. Мазкур тоифадаги оила аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар мулоҳазалар ўзаро тенглик, ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оилавий муносабатларининг ушбу кўринишда турли ёшдаги, жинсдаги

болаларга мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсир ўтказиш имконияти мавжуддир.

Шу боисдан тасодифий воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиш турли тарзда баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ё рағбатлантирилади ёки танбех берилади, жазоланади. Бундай одилona амалга оширилган мулоқот таъсирида ўғил-қизлар руҳий дунёсида ота-онага нисбатан дилкашлик, хушмуомалалик, ўз фаолияти учун жавобгарлик, ўз-ўзини бошқариш каби муҳим инсоний фазилатлар пайдо бўлади.

Оилада муносабатнинг яна бир тури «авторитар» - ёки «обруталаб» муносабат деб аталиб, бунда ота-онанинг обруси шахслараро мулоқотда ҳал қилувчи, етакчи рол ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлилиқ, эркин хатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик бунда ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг юриш-туриши, хатти-ҳаракати кўпинча катталар томонидан чеклаб қўйилади.

Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий усули бу жазолаш ҳисобланади, бироқ, онда-сонда рағбатлантириш усулидан фойдаланилганда ҳам маънавий рағбатлантириш имкониятига эга бўлмайди, муносабатдаги бундай нохушлик ота-она кўзлаган тарбиявий мақсадни амалга оширмайди ва паст самара беради. Бунинг оқибати натижасида оила аъзолари ўртасида, меҳр-оқибат ҳисси пасаяди. Ушбу пайдо бўлган салбий нуқтайи назар ота-онага нисбатан қўлланилади. Фарзандларда ота-онага яқинлик меҳр-муҳаббат ҳисси биров бўлсада камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқла-шиши «бегоналашиш» томонига ўсиб ўтади.

Оилавий турмуш муносабати ичида «либерал» (муро-сасозлик) тоифаси ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасида ота ёки она муросасоз, кўнгилчанг бўлишлик ташқи кўринишидан илиқ руҳий иқлимини ўзига акс эттиргандай бўлиб туюлса ҳам, аслида унда ҳамжиҳатлик, ўзаро тушуниш етишмайди. Муросасозлик таъсирида

фарзандлар феъл-атворида мунофиқлик, икки юзламачилик, келишувчилик каби иллатлар таркиб топиши мумкин.

Ота-она обрўси оиладаги ахлоқий тарбиянинг гарови ҳисобланади.

Буюк алломаларнинг мулоҳазаларига кўра, тарбияда ҳазилга йўл қўювчи жиддийлик ҳукм суриши лозим, лекин ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакаллуфликка, адоват, тирноқ орасидан кир излашга айланиб кетмаслиги керак.

Шу боисдан муайян педагогик-руҳият қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ота-оналар тарбия принстиплари, усуллари воситалари билан қуроллангандагина ҳақиқий назокатга ва одобга эришиш мумкин. Бу нарса улардан чуқур изланишларни талаб қилади. Оилада фарзандларга тарбиявий таъсир кўрсатишининг илтимос, маслаҳат, ишонтириши, талаб қилиш, буйруқ ва танбеҳ бериш, жазолаш, рағбатлантириш сингари усулларидан ўз ўрнида ва меъёрида фойдаланилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Мезон туйғуси ва меъёр ҳиссига амал қилиш ота-она руҳий дунёсига, маънавиятига сингиб борса, у ҳолда фарзандларидан узоқлашиши, бегоналашиш, борди-келдига бориш, англашилмовчилик ғовининг вужудга келиши, бачканалашиш, баджаҳллик, асаббузарлик ҳулқ-атвори намоён бўлмайди.

Тарбиянинг муҳим роли нутқ ҳисобланади, шунинг учун ота-она ўз нутқида ёқимсиз оҳанг билан, мантиқсиз ва қайтариқ сўзларини ишлатиш ва қўллаш билан фарзандларни ранжитишлик, уларда ишонч ҳиссини сўндирадиган, ҳазил-мутойиба, самимий бўлмаган фикр ва мулоҳазалардан сақланиш керак. Ҳаётда мулойимликка, ширинсуҳанликка, самимийликка, соф виждонлиги, дилкашлик ва хотамтойликка ҳамдардликка нима етсин!

Агарда ота-оналар ўзларининг ҳулқ-одоб хислатлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларида буларга риоя қилсалар, оила аъзолари ҳамда жамоатчилик ўртасида етарли даражада обрў қозона оладилар.

Лекин, обрў қозониш шахсинг тезкорлик билан амалга ошириладиган сифати эмас. Ота-она обрўси бутун ҳаёт давомида кундалик ибратли хулки, ахлоқи, интизоми, ақл-заковати, камтаринлиги, ишбилармонлиги билангина қўлга киритишади. Ибрат, намуна, чекилган заҳмат, заковат, чин эзгу ният, ҳайрли иш, самимийлик эвазига юзага келган обрў ҳақиқий обрў бўлади.

Бундай обрў фарзандлар хайрхоҳлиги ва ҳамдардлигига сазовор бўлади. Натижада, оила аъзолари тотув, осойишта, иноқ, аҳил, хотиржам, ҳамжихат турмуш кечирадилар. Оиладаги фарзандлар юксак ҳис-туйғули, маънавиятли, маданиятли инсон сифатида руҳий озуқа оладилар, улар ота-оналари билан беҳад фахрланадилар, ҳис-ҳаяжонга тўладилар ва шу ғурур билан яшайдилар, аста-секин энг заруршахсий фазилатларини эгаллаб борадилар. Оилавий турмушда айрим ота-оналар фақат тазйиқ ўтказиш йўли билан фарзандлари ҳамда бошқа оила аъзолари даврасида обрў орттиришни хоҳлайдилар, бу нарсани яшашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайдилар. Бунда улар кўрқитиш, буйруқ бериш, руҳан эзиш, таҳқирлаш, у тазйиқ ўтказиш усулларини қўллайдилар. Гоҳо улар заҳар-хандалик ва баджаҳлликни бола тарбиясининг энг муҳим усули деб биладилар. кўрқинч асосида болада вужудга келган «тобеликни», «бўйсунитишни» улар ўзларича фарзандлари даврасида эришган обрўси деб ўйлайдилар, тарбиянинг бу усули юқорида айтиб ўтилганидек авторитар деб айтилади.

Айрим ота-оналар эса ўз фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлишни, ўзларини улардан узоқроқ олиб юришни шу йўл билан обрў орттиришни ҳам ҳаёл қилишади. Уларнинг назарида гўё фарзанд билан қанча кам учрашишса, маълум масофадан муомала қилишса, шунча кўпроқ обрў қозониш мумкин эмиш. Бу нотўғри тушунча, юзаки қарорга келиш ҳисобланади. Аксинча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлишса, уларнинг руҳияти билан яқиндан танишмаса, ўз таъсирини ўтказмасида, улар ўртасида бегоналашиш, бефарқ бўлиш,

ҳис-туйғулари, ишонишлари, хоҳишлари келиб чиқади.

Ҳозирги пайтда шундай ота-оналар ҳам учрайдики, улар болага фақат расмийчилик билан муносабатда бўлиш орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади.

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун улар килдан қийик кидиришади, хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарган асл сабабдан кўз юмишади. Болага ҳадеб танбех беришади, бегоналар даврасида калака қилишади. Унинг юриш-туришларини чеклаб қўйишади, бўлар-бўлмасга танбех беришади. арзимас ҳаракат учун жеркиб, силтаб ташлашади. Фарзандларига кўп панд-насихат қилавериш ҳам шахслараро муносабатда нохуш кечинмаларни вужудга келтиради. Ота-оналар арзимаган майда-чуйда муаммо, мулоҳаза, кўмак учун ҳам узундан-узоқ ўғит-насихат қиладилар. Фарзанд эркини поймол этиб, мустақил фикр юритиши, интилишини оёқ ости қилишгача бориб етадилар. Улар ўзларининг насихатгўйликларини ота-оналик бурчи деб баҳолайдилар.

Турмушда сохта яхшилик қилиш орқали фарзандлари олдида обрў орттиришмоқчи бўладиган ота-оналар ҳам бор. Бундай ота-оналар ўзларининг юмшоқ муомалалиги, беозорлиги, кечирувчанлиги, ён берувчанлиги, кам талабчанлиги билан фарзандларини ўзларига ром қатъиятчилик, на талабчанлик, на барқарорлик мавжуд. Тилёғламачилик, сохталик, сунъийлик билан болада юксак инсоний хислатларни, олий-жаноб ҳис-туйғуларни, иродавий сифатларни таркиб топтириб бўлмайди. Ота-она обрўсини орттиришда ибрат кўрсатиш усули муҳим рол ўйнайди, оилада тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ота-она тинмай ўзларини ҳам педагогик, ҳам руҳий жиҳатдан тарбиялаб боришлари керак, улар ўзларида етишмайдиган сифатларни эгаллаб бориб, мавжуд иллатларни батамом тугатишлари лозим. Чунки ота-онанинг тарбия жараёнидаги истиснодод - бу фарзандларга нисбатан муҳаббат ва

садоқатдан иборатдир

Ота-оналар ўз фарзандлари ўртасида обрўга эга бўлишлари учун қатор чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур. Фарзандларни ёшига мос ҳолда қатор тарбиявий ишлар олиб боришлари даркор.

Ота-оналар фарзандлари даврасида обрў орттириш учун уларнинг рухий дунёсига кириб боришлари айтилиши мумкин. Чин обрўга эга бўлмоқчи бўлган ҳар бир ота-она қимматли вақтларини ўз норасидаларидан ҳеч маҳал аямасликлари керак.

Оила даврасида ота-оналарнинг кузатувчанлиги, зийраклиги, сезгирлиги, ғамхўрлиги, ҳозиржавоблиги, самимийлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларига ва оиланинг бошқа аъзоларига (бува, буви, келин ва бошқалар)га меҳрибонлиги обрў орттиришнинг энг муҳим йўлидан биридир. Фарзандларининг кучига, қобилиятига, ақл-заковатига хотирасига, диққат-эътиборига, иродавий хислатига, қизиқишларига, кўникма ва малакаларига қараб ақлий ва жисмоний топшириқлар берилиши ҳамда ўз вақтида, узлуксиз равишда уларнинг натижасини текшириш ва оқилона баҳо бериш, рағбатлантириш болаларда қатъийлик, дадиллик фазилатини вужудга келтиради, мустақил илмини, ташаббус кўрсатиш сари чорлайди, катталарга нисбатан ихлоси ортади.

Ихлос, ҳурмат, интилиш, тиришқоқлик обрўнинг узвий занжирлари ҳисобланади.

Ота-оналарнинг ижтимоий муҳитда, жамоатчилик ўртасида ва оила даврасидаги самимийлиги ва ғамхўрлиги уларга катта обрў келтириши мумкин.

Улардаги самимийлик, ғамхўрлик фазилатлари фарзандлар рухий дунёсига катта таъсир этади, руҳланиш, тўлқинланиш, шижоат, эҳтиросни вужудга келтиради. Уларнинг ибратли хислатлари, шахсий фазилатлари, иродавий сифатлари, ўз-ўзини қўлга олиш каби

жихатлари йигит ва қизлар қалбида ўчмас из қолдиради. Ота-онага нисбатан ишонч, интилиши мойиллик ҳамдардлик сифатлари шакллана боради. Оилада рухий муҳит, тотувлик мавжуд бўлиши учун ота-оналарда ҳақиқий маънодаги назокат ҳамда обрў мустаҳкам шаклланган бўлиши керак.

2.2. Соғлом оила – соғлом турмуш тарзида вужудга келиш омиллари.

Ҳозирги илмий адабиётларда оиланинг маънавий асоси масаласида, шахснинг камол топиши билан узвий боғлиқ бўлган билим, санъат, архитектура, миллий, диний, ахлоқий, бадиий ва бошқа қадрият турлари, миллий истиқлол мафкураси каби талай маънавият ва маърифат хусусида сўз юритилади.

Боланинг маънавий тарбиясида оиланинг аҳамияти муҳимлиги таъкидланади.

Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига нисбатан ўзаро ҳурмати, иффати асосида қурилсагина, бунда у оилада мусаффо маънавий муҳит ва ҳамжихатлик вужудга келади. Айниқса, ота-она муносабатидаги, уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хил муомалада бўлиши, ҳар икки томоннинг қариндош-уруғларига бир хилда меҳр-оқибат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириш каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, соғлом ҳаёт кечириши, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилавий муносабатлар маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятлардир.

Бундай ижобий хусусиятларга эга бўлиш, серфарзанд оилаларда ҳам, ёки фақат эр ва хотин яшайдиган оилаларда ҳам оғир кечади. Чунки эр-хотин турли шароитда, муҳитда тарбияланган, уларнинг қарашлари, маълумоти, ёши, маънавий савияси ва бошқаларда

номувофиклик мавжуд бўлиши мумкин. Эр-хотиннинг бир-бирига кўникиши, ўзаро ҳурмати, дўстона муносабатларининг шаклланиши учун улар орасидаги севги дастлабки манба бўлса, ахлоқий қадриятларнинг гултожи бўлган ибо, ҳаё, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик, саришталик, озодалик, пазандалик, ғамхўрлик, меҳр-шафқат каби азалий одатларимиз оилани мустаҳкамлашда иккинчи манба бўлади.

Институт жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий онглилик даражасини юксалтириш билан бирга, аёлларга тааллуқли ижтимоий муносабатларни ўрганади, шу орқали аёлларнинг иқтисодий, сиёсий, маиший, маданий, таълимий ва бошқа соҳалардаги аҳволини тадқиқ қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги салмоғи 80—90 фоизга етган. Бу борада «Тадбиркор аёллар уюшмаси» ҳам катта фаолият кўрсатмоқда.

Аввало, ушбу масалада шунга ҳам эътибор бериш жоизки, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Оила давлат қарамғида бўлар экан, унда албатта, оналар ижтимоий муҳофазаси масаласини ҳал этмоқ лозим. Президент фармониға мувофиқ (1994-йилдан) болали оилаларға 3 хил нафақа тўланадиган бўлди:

1. Бола туғилиши муносабати билан бир йўла бериладиган нафақа (6 ой мобайнида мурожаат қилинса, берилади). Энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида тўланади.

2. Бола 2 ёшға етгунча уни тарбиялаган оналар учун бериладиган нафақа. Яни онанинг декрет таътилиға

2-йил мобайнида ҳақ тўланади. Бу энг кам иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида берилади.

3. 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларға ҳар ойлик нафақа. мурожаат қилингандан кейинги ойдан бошлаб берилади. Ҳар ойда

тўланадиган нафақа оиланинг битта боласига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, иккита боласига 100 фоизи, учта боласига 140 фоизи, тўрт ва ундан ортиқ болага 175 фоизи миқдорида берилади.

Давлат 16 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга биргина 1997-йилда нафақалар тўлашга 9,6 млрд. сўм маблағ ажратган.

Тажрибали кишиларнинг айтишича, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда масъулиятли ҳисобланишини маънан ҳис қилиш даркор. Фарзандларнинг келажакда қандай ма навият эгаси бўлиш кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўйқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши лозим. Шулардан хулоса қилган ҳолда, «Соғлом авлод» давлат дастури.Обод турмуш йили дастуринини назарда тутиб фарзандлар тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан ҳоли бўлмайди:

- Насл тарбияси, яъни бола тарбияси бола туғилмасдан 3-4 йил олдин бошланиши зарур. Бу фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутати.

2.Иккинчи босқич — ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб,«Соғлом авлод» давлат дастурида ҳам асосий мавзу сифатида белгилаб берилади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даврида оналарга катта ғамхўрлик кўрсатилади.

3.Учинчи давр бола туғилгандан то 6 7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг куртакларини парваришlash ва янада ривожлантириш даври бошланади.

2.3. Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолат омиллари.

Оила бўлиб яшаш барча махлуқотлар орасида фақат инсон зотигагина хосдир. шу боис оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи бўғи ҳисобланади. шунга кўра ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, оила

фукаролик жамиятининг таянч нуқтаси, таянч тузилмасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади.

Бинобарин, оила эр-хотин, уламинг болачақалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи, яъни хонадон ҳисобланади. Айни чоғда оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги ҳамдир.

Демак, оила жамиятнинг табиий ҳужайрасидир, ижтимоий асосдир. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Зеро, жамият асоси — оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Оила, дейди мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов, -ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи...». шу фикрнинг ўзиёқ оилани эъзозлаш, унинг қадр-қимматини юксакка кўтариш бизнинг онгимизга мустаҳкам жо бўлганлигининг ёрқин далилидир.

Ўзбек оиласи серфандзандлик, болажонлик, оилапарварлик каби ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ўзбек оиласининг ўзига хос этнографик хусусиятлари: кўп болалик, кўп табақалилик (бир неча авлод вакилларининг бирга яшашлари), авлодлар ўртасидаги боғлиқнинг бошқа мамлакатлардагина нисбатан кучлилиги ва шу каби қатор хусусиятлари унинг психологик аҳамиятини янада орттириб юборади.

Ўзбекистон дунёда аҳолисининг сони анча тез кўпайиб бораётган мамлакатлар қаторига киради.

Оила эркак ва аёлнинг никоҳдан ўтиб, бир ёстикқа бош қўйган кунидан бошланади. Унинг энг муҳим вазифаси насл давом эттириш

ҳамда ота-боболарнинг энг яхши анъана ва удумларини давом эттириш, турмушни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Оиланинг муҳим ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан - у жамиятнинг демократик ҳужайрасини ташкил этиб, одамлар шу муқаддас масканда туғилиб, ўсиб, жамият таркибини ташкил этади;

- иккинчидан - оила муҳим бўғин бўлиб, унда биз меҳнат жараёнида сарф қилган кучларимизни тиклаш имкониятига эга бўламиз;

- учинчидан оила муҳим тарбия ўчоғ;

- тўртинчидан - оила нодир руҳий муҳитдир.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан бирга тартибга солинади. шунинг учун ҳам оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларида келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Агар оила ҳуқуқи тушунчасига мухтасар таъриф бериб айтадиган бўлсак, бу эр-хотинлар, қариндошлар, ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва болалар ўртасидаги шахсий номулкий ва улар билан боғлиқ мулкый муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. шу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, оила ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиш билан бирга, фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга. Яъни:

- биринчидан, оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактлар (никоҳ, қариндошлик, оналик, оталик, фарзандликка олиш ва ҳоказолар) асосида вужудга келади,

- иккинчидан, оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилиб, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга бўлади,

- учинчидан. оилавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари уларнинг ўзларигагина тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар саналади.

Оила ҳуқуқининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи принципи;
- барча фуқаролар, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги принципи;
- ҳамма оилавий муносабатларда аёл билан эркак тенг ҳуқуқлилиги принципи;
- оилавий муносабатларда иштирок этувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига ғамхўрлик қилиши принципи;
- давлат томонидан оналик, оталик ва болаликни муҳофаза этиш ва уларнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш принципи;
- ихтиёрий ва эркин никоҳ принципи;
- фақат якка никоҳликни тан олиш ва уни мустаҳкамлаш учун ёрдам бериш принципи;
- давлат тартиби асосида никоҳдан эркин ажралиш принципи;
- болаларни мустақиллик ва миллий истиқлол мафқураси ғояси асосида тарбиялаш принципи.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб никоҳ тузувчилар эр-хотин ҳисобланадилар ва шу пайтдан бошлаб улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Энди улар ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб қоидалари билангина эмас, балки қонунлар, ҳуқуқий қоидалар билан ҳам тартибга солинади. Бунда хотин-қизлар сиёсий масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқга эга бўлганларидек, оилада ҳам барча шахсий ва мулкӣ масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва баб-баравар мажбуриятларга эга

бўладилар. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Амалдаги қонунлар турмушга чиққан аёлни муомала лаёқатида ҳеч қандай чекламайди, уни эрига бўйсиндириб, қарам қилиб ҳам қўймайди. Барча ҳуқуқий муносабатларда эр-хотин ҳуқуқнинг тенг субъекти ҳисобланиб, уларга баб-баравар ҳуқуқлар берилади ва тегишли мажбуриятлар ҳам юкланади. Ўзбекистонда эр ва хотин расмий жиҳатлардагина эмас, балки оилада ҳам тенг ҳуқуқга эгадир. Оила ҳуқуқига асосан эр-хотин умумий хўжалик ишларини биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида олиб борадилар. Улар бир-бирларига маънавий ёрдам бериб, кўмакдош бўлиб яшайдилар, ҳамма масалаларни бамаслаҳат ҳал қиладилар. Бироқ эр-хотиндан бирининг шахсий ҳуқуқини амалга оширишга мунтазам ҳалақит бериш (масалан, эрнинг ёки хотиннинг машғулоти тури, касб танлашига ҳалал етказиш), шахсий ҳуқуқларни амалга оширишни суиистеъмол қилиш, оила манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар никоҳдан ажралишга олиб келиши мумкин.

Фамилия танлаш ҳуқуқи эр-хотиннинг муҳим шахсий ҳуқуқларидан ҳисобланади.

Оила кодексининг 20-моддасига биноан, «Никоҳ тузиш вақтидан эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг фамилиясини ўзгартириши бош-қасининг ҳам фамилиясини ўзгаришга олиб келмайди».

Кейинчалик фамилияни ўзгартиришга фақат умумий асосларда, қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги ва баббаравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкӣ муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига иқтисодӣ мазмундаги масалалар киради. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумӣ мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларлари, эр-хотиннинг ҳар бирини алоҳида хусусӣ мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро моддӣ таъминотидаги алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши, унинг бозор иқтисодиётига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин бери-лиши бу масалада ҳам амалдаги оила қонунчилигида тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этди. Чунки қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Оила кодексининг 23-моддасига биноан: «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумӣ маблағлари ҳисобига олинган мол мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳоӣ кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумӣ мулки ҳисобланади.

Оила кодексида эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатларини тартибга солувчи нормаларда ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Аввало, бу ўзгаришлар, янгиликлар мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи принципларда ифода этилади.

Эр-хотиннинг қонуний тартибдаги мулки уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган императив нормалар билан тартибга олинадиган мулкидир.

Никоҳ шартномаси деб, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувга айтилади.

«Никоҳ шартномаси» никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар

ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради» (Оила кодексининг 30-моддаси).

Агар никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, бундай никоҳ шартномаси кечиктириб бажариладиган шартли битим ҳисобланади. У фақат никоҳ тузилгандан сўнг кучга киради.

Никоҳ шартномаси ег-хотинлар бир-бирларини моддий таъминлаш ёки бири иккинчисини моддий таъминлашини кўр-сатиш ҳуқуқига эга. шартномада белгиланган шартлар алимент мажбуриятининг умумий қоидаларига мос келмоғи керак. Хусусан, муомалага лаёқатсиз эр ёки хотиннинг ҳуқуқлари бузилмаслиги лозим. Аммо никоҳ шартномасида қонун бўйича алимент олиш ҳуқуқига эга бўлмаган эр ёки хотинга алимент белгиланиши мумкин. Биринчи навбатда, бу ўз хоҳишлари билан, оила манфаатини ўйлаб иши ёки ўқишини қолдирган эр-хотинларга тааллуқли бўлади.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРМОНИЯСИ.

Бугунги кунда демократик кадриятлар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омилига айланиб, кундан-кун мазкур жараённинг мавжудлик доираси кенгайиб, мазмуни эса тобора бойиб бормоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиётларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун жамиятда етарли даражада шарт-шароитлар яратилмоқда. Мамлакатда ижтимоий, гуруҳий ва индивид манфаатлар мувозанатини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаролик жамияти мавжудлигида оиланинг ўрни ва роли бениҳоя катта. Оила бир томонлан жамиятнинг бош бўғини ҳисобланса, иккинчи томондан у фуқаролик жамиятининг ҳам бирламчи шаклларида бири ҳисобланади. Оила фуқаролик жамияти мавжудлигининг ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий-маданий муносабатлар ва сиёсий муносабатлар кесимларида ўзига хос ўринни эгаллайди. Чунки, жамият оилани шакллантиргани каби оила ҳам жамиятни шакллантирувчи муҳим ижтимоий институт ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда жамиятда мавжуд бўлган ижобий ва салбий жараёнлар айна вақтда оила ҳаётида ҳам ўз аксини топади. Айна вақтда оила, унинг ҳаёти ва тараққиётига хос бўлган сифатлар жамият тараққиёти, сифатида ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Оила ва унинг аъзолари жамиятнинг юқорида келтирилган тузилмалари билан яқин алоқада бўлса, оилавий ҳаётнинг мазмуни ҳам шундай бой бўлади. Албатта оила аъзолари – биринчи галда ота ва она ўзларининг ижтимоий-маданий қобиляти, етуклиги, салоҳиётига кўра жамият тузилмасининг горизонтал ва вертикал кесимларининг турли

Ўринларида фаолият кўрсатадилар ва улар ўзлари эгаллаган макон доирасида фаолият олиб богани ҳолда оилага олиб кирадилар, бу маълумотлар оилада маълум маънода маънавий муҳитнинг салмоғини шакллантиради.

Айни вақтда оиланинг бошқа аъзолари, яъни болалар турли хилдаги таълим-тарбия масканларида фаолият кўрсатганликлари учун улар ҳам ўзларининг оилаларидаги маънавий муҳит кучини қайси бир даражада ўзлари таълим олаётган масканларга олиб кирадилар. Ушбу боғлиқлик жамиятдаги давлат идоралари ва фуқаролик жамияти маконида амалга ошади. Фуқароларнинг оила доирасида давлат ва фуқаролик жамиятида ишти рок этиши оила ва фуқаролик жамияти гармониясини шакллантирилишида муҳим рол ўйнайди. Бунда оилада оила аъзоларининг мустақиллиги, ўз шахсий қарашлари ва интилишлари, уларнинг амалга ошириш учун ўз имкониятларидан партия, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан самарали фойдаланиши жиддий аҳамиятга эга.

Оила ва фуқаролик жамияти гармонияси асосида фуқаролик жамиятини ташкил қилувчи феноменлар билан оила аъзолари ўртасидаги фаоллик ётади.

Оила ва оила аъзоларининг ҳар томонлама ривожланиши учун яратилган шарт-ароитлар, улардан оила аъзоларининг омилкорлик билан фойдаланишида, бугун “Мен жамиятдан нима олдим эмас, балки мен жамиятга нима бердим, мен ўзимни жамиятга нима бериш учун тайёрлаяпман?”, деган қараш муҳим аҳамиятга касб этмоқда. Бундай қараш оила аъзоларининг ҳар бирида ўзларига ишонч, ўзларига нисбатан танқидий қарашни, ўзларида бошқаларни кўра билиши, бошқаларни ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатлари ва қарашлари билан ҳисоблашиш маданиятини шакллантиради. Бу маданиятнинг шаклланишида оила маънавий муҳитининг, оила анъаналар ва одатларининг роли каттадир. Бундай муҳитни шакллантиришга

биринчи галда оила бошлиқлари, ота-оналар жавобгардир.

3.1. Юсак маънавиятли авлодни тарбиялашда мустаҳкам оиланинг ўрни.

Оила - анъанавий тарбиянинг асосий институти бўлиб ҳисобланади. Бола ёшлик даврида оилада олган таълим-тарбиясини бутун умри давомида сақлаб қолади.

Бола ҳаётини асосий қисмини оилада ўтказади, ўзининг таъсир кучига кўра ҳеч қандай тарбия воситаси оила билан беллаша олмайди. Оилада бола шахсини асослари таркиб топдирилади, мактабга борганда эса бола шахс сифатида шаклланган бўлади.

Оила болаларга инсоний ва салбий таъсир этиш омили бўлиши мумкин. Бола шахсига ижобий таъсир этиш шундан иборатки, оилада болага энг яқин инсонлардан - ота-она-буви-бува-ака-опалардан ташқари ҳеч ким улардек болани яхши кўриб, у ҳақида қайғурмайди.шу билан бирга бола шахсини шакллантиришга, уларга тарбия беришда оила салбий таъсир ҳам кўрсатиши мумкин.

Оила — бу ўзига хос жамоадир, у тарбияда асосий ўринга эгадир.

Оилани ўзига хос тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, оилани болага ижобий таъсирини ошириб, салбий таъсирини камайтириш зарур. Бунинг учун эса тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, ички оилавий ижтимоий-психологик омилларни аниқ белгилаш лозим.

Болани тарбиялашда асосийси ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка ва ахлоқий боғлиқка эришишдир.

Ота-оналар ҳеч қачон тарбия жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги керак, айниқса, катта бўла бошлаган болани ўз ҳолига ташлаб қўймаслигимиз керак.

Бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли ҳил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади.

Биз болани нимага ўргатсак уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан

мустаҳкамлаш керак, бола катталарни айтган гаплари амалда ҳам бир ихл бўлишини кўриши керак (масалан: агар бола ҳар куни ота-онаси томонидан ёлгон гапириш мумкин эмаслигини эшитса-ю, лекин нота-она ўзи сезмаган ҳолда шундай қоидага риоя қилмасалар, бола тарбиясига дарз кетади). Ҳар бир ота-она фарзандларида ўзларни давомчиларини кўради. Фарзандларини ўзлари хоҳлаган инсон бўлишларини хоҳлайдилар.

Ота-оналар ўртасидаги можароли вазиятлар - бу ота-оналар томонидан бола тарбиясига турлича ёндашувдир. Можароли вазиятларни ҳал этиш учун қуйидагиларга риоя қилиш керак.

Ота-оналарнинг биринчи вазифаси - умумий қарорга келиш, бир-бирини ишонтиришдир, агар ота ёки она бирор-бир қарорни қабул қилишдан олдин иккинчи томоннинг фикрини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Ота-оналарни иккинчи вазифаси-бола ота-оналарини қарашларида қаршилиқни кўрмаслиги керак. муаммоларни алоҳида муҳокама қилиш зарур.

Бола жуда тез айтган фикрларни ўзлаштиради ва ўзига хос ҳолда улардан фойдаланади.

Ота-оналар қарор қабул қилишда биринчи ўринга ўзларини қарашларини эмас, балки болага фойда келтиришни ўйлашлари керак

Катталар ва болалар ўртасидаги мулоқотда қуйидагиларга амал қилиш лозим.

- Болани қандай бўлса, шундай ҳолда қабул қилиш керак.
- Катталар болалар кўзи билан муаммоларга қарашлари ва уларни ҳолатларини қилишлари керак.

Ота-оналар фарзандларини, уларни ҳеч нарсага (хунуклиги, шўхлиги, эпчил эмаслигига) масдан яхши кўрадилар. Бола қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади.

Агар бола ота-оналарни хоҳиш ва истакларига мос бўлса яъни

яхши ўқиса, аъло хулқли бўлса, агарда бола ота-оналарни талабаларига жавоб бермаса, бунда болаларни ота-оналар ўзларидан узоқлаштирадilar ва уларни муносабатлари ёмон томонга ўзгара боради.

Бу эса сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқаради, бола ота-оналарига уларни меҳрибонликларига ишонмайди.

Айрим оилаларда бола ота-она томонидан умуман қабул қилинмайди. Улар болага нисбатан бефарқ бўладilar ва уни ўзларидан итарадilar (масалан: ичкиликка берилган оила). Лекин яхши тинч оилаларда ҳам болага нисбатан бефарқлик ҳолатлари учрайди (масалан: кутилмаган фарзандни туғилиши, она чиройли лекин қизи хунук бу эса онани ғашига тегади).

Оилада болани тарбиялашда учрайдиган хатоликлар турли тумандир. Улар орасида кенг тарқалганларидан бин ота-она-ларнинг хаддан ташқари обрў талабликлари, ҳукмронликка интилишларидир. Боланинг ҳар бир қадами назорат остига олинса, унинг ҳулқидаги мустақиллик йўққа чиқарилади. Болада ўз кучига ва имкониятларига ишонч йўқолади. Ички истак ва интилишлар шаклланмасдан итоат қилиш талаблари билан бошлаб туради.

Оилавий тарбиядаги хатоликнинг турларидан яна бири, болаларнинг эрка бўлиши, уларга нисбатан бирор талабнинг йўқлиги билан боғлиқ. Бу ҳолда ота-оналар баъзан болаларнинг имкониятларига етарли баҳо беришмай ва уларнинг кўпгина ишларини ўзлари бажаришади. Натижада, болада мустақиллик, меҳнат қилиш иштиёқи, топширилган ишга масъулият ҳисси ривожланмайди. Бола ўз ишини танлай олмайди, уни охиригача етказа олмайди, эрксиз бўлиб қолади.

Қийинчиликларнинг яна бири шундан иборатки, ота-оналар тарбияда ҳамма нарса сабабли ва шартли эканлигини, тарбия узоқ жараён бўлиб, бу жараёнда бир қатор ўзаро узоқ жараён бўлиб, бу

жараёнда бир қатор ўзаро боғлиқ бўғин, восита ва услублар бўлиб, улардаги бирор бўғиннинг тушиб қолиши туфайли жараённинг нормал ўтиши бўзилиши ва тарбия натижаси бузилишини тушунмайди. Ота-оналар бу ҳолнинг муҳимлигини ҳисобга олмай, кўпинча, бола «бирдан» бузилиб қолди, деб арз қиладилар. Болаларни оиладаги тарбиясидаги хатоларнинг бир тури она ёки ота, буви, бува ва бошқалар томонидан тарбияда ягона талабаларнинг ёъқлигидир. Бундай оилаларда болалар катталарнинг қарама-қарши фикрларига мослашишга ҳаракат қилади. Бу эса болада иккиюзламачилик, хушомадгўйлик ва шу каби салбий хислатларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Оилада бола шахсини шакллантиришда оила бошлиқлари билан болаларнинг ўзаро яхши муносабати, хонадон қарияларига ҳурмат, эътибор, оиладаги болаларнинг ўзаро муносабатлари тўғри тарбиялангани ота-онанинг болалар тарбиясига баробар жонкуярлиги, оилада ўрнатилган тўғри тартиб ва яхши одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри муносабатда бўлишлари муҳимдир.

Бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирига муносабати, ўзларини тута билишлари муҳимдир, оилада муомаланинг барча қоидаларига амал қилиниши лозим. Катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш, бир-бирига меҳрибонлик. айниқса, аёлларни иззат қилиш одатга, қоидага айланиб бориши керак.

Болаларга онани ҳурмат қилишни, унга меҳрибон бўлишни ўргатиш отанинг муҳим вазифаси.

Одатда, ўғил бола отасига, қизлар эса онасига ўхшашга, улардаги яхши хислатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Ота ҳам, она ҳам, болани тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Она ғамхўр, меҳрибон, кўнгилчан бўлса, ота - куч қудрат, жасурлик, қаттиққўллик, боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши

учун қайғурса, она - юриш-туриш, муомала, хис туйғу, нафосат учун ташвишланади.

Ота ҳам она ҳам боланинг ақлий, ахлоқий жисмоний камолоти учун баравар жавобгар, чунки, уларнинг бирдан-бир мақсади шахсни тарбиялашга қаратилгандир.

Бола шахсини шаклланишида соғлом оилавий муҳит катта аҳамиятга эгадир. Оилада ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва вафо-садоқат болалар қувноқ, хушчақ-чақ ўсишларига, нормал тарбияланишларига, хонадонда соғлом муҳит яратилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Оила аъзолари ҳурмати, ўрнига қўйишлари, бир-бирлари учун жон қуйдиришлари, яхши муносабатда бўлишлари керак. Оилада ҳамиша самимият ва кўтаринки рун ҳукмрон бўлса, оила аъзоларининг кайфиятига ижобий таъсир этади.

Қайси оилада ноҳақлик, қўполлик, дўқ пўписа, асабийлик, ҳукмрон экан. унда ҳаловат ҳам бўлмайди. Оиладаги арзимаган жанжал ҳам даставвал болаларнинг психик ҳолатига таъсир қилади, уларда ёмон одатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Болалар улғайгач, улар ҳам куш уясида кўрганини қилади қабилида иш тутишади.

Ота-она бир-бирини беҳурмат қилмаслиги, обрўларини туширмаслиги, оилавий низоларни бола ёш вақтида бартараф этишлари шарт. Бола ёмон ёки яхши ҳулкли, феъл атворли бўлиб туғилишмайди. Унинг ўсиб бориши жараёнида оила муҳити, ота-онанинг, кишиларнинг, атроф-муҳитдаги муносабатларнинг таъсири ҳал қилувчи рол ўйнайди. Оиладаги тотувлик, ҳамжиҳатлик, бу ўзаро ҳурмат ва ёрдам, ширинсуҳанлик, меҳнат-севарлик ва тўғрилиқ болага ижобий таъсир қилади.

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда демократик сиёсий давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш йулида тубдан ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги

кунда мамлакатимизда булаётган буюк узгаришлар, иқтисодий, маънавий, маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги юксалишларга барчамиз бирдек ҳисса қўшаётганлигимиз, шу юртда яшаб фарзандларимизни тинч ва осуда заминда улғайтириб, уларни баркамол қилиб ўстираётганимиздан ҳар биримиз беҳад бахтиёрмиз. Президентимиз таъкидлаганидек “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўз бўларчилиқка ташлаб қўйган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотираларимиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб кетишимиз мумкин.” Албатта, олиб борилаётган давлат сиёсатида Юртбошимизнинг ёшлар ва улар орқали келажакка бўлган ишончининг туб моҳиятини англаймиз. Бугунги кундаги барча саъйи-ҳаракатлар юксак маънавиятли, маърифатли, миллий ўзлигини теран англаган, эрк ва ҳурриятни қаршилик ва мутейликдан фарқлай оладиган, қалбида озод ва обод жамият барпо этиш туйғуси мужассам бўлган ёшларни камол топширишга қаратилгандир. Аввало, маънавият ҳақида гап кетар экан, бу биргина сўз замирида қанчалар маъно ва моҳият борлигини ҳар ким, ҳар хил англайди. Муҳтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият— енгилмас куч” асарида: “Маънавият—инсон руҳини поклаш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, дея тариф беради. Демак, маънавиятли ва маданиятли, дунёқараши кенг, мушоҳадали, илмли

хамда зукко фарзанд тарбияламоғимиз учун аввало ўзимизда ҳам ушбу хислатлар мужассам бўлмоғи даркор. Аждодларимиздан бизгача етиб келган бой тарихимиз, унутилмас миллий кадриятларимиз, одоб-ахлоқ тушунчалари, қолаверса минг йиллаб қад кўтариб турган юксак маънавий дид билан барпо этилган ёдгорликлар, бизнинг илдимиз нақадар мустаҳкам ва бақувват эканлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, биздан ҳам келгуси авлодга юксак маънавий тарбия ҳамда халқимиз томонидан барпо этилаётган гўзалликлар бундан ҳам гўзалроқ бўлиб келгуси авлодга қолиши зарур ва шартдир. Бугунги глобаллашув замонда ахборот-коммуникация соҳасидаги юксалишлар, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олган вазиятда Юртбошимиз томонидан бизга кўрсатилган тўғри йўл бу “фикрга қарши фикр, Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.” “Ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соқлом қилиб ўстириш, шу билан бирга уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган ХХІ аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир”, деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.

Оиланинг мустаҳкамлиги фақатгина инсонларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Унинг мустаҳкамлигини таъминловчи ҳуқуқий ва тиббий асослари ҳам мавжуддирки, уларсиз оила кемтикка ўхшаб қолади. Икки ёш никоҳга кирар экан, улар албатта ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб олишлари зарурдир. Фақатгина шаърий никоҳ билан оила куриб бўлмайди.

Оила бир кўрғонки, доимий эътибор ва масъулиятни талаб этади. Бахтимиз кафолати бўлган Конституциямизда оила давлат ҳимоясида экани тўғрисидаги модданинг мавжудлиги юртимизда оилага эътибор

давлат даражасида эканидан далолат беради. Жисмонан ва ақлан соғлом, маънан етук фарзандлар вояга етади оилада. Бежизга оила тарбия маскани деб атамайдилар. Катталар хурматда, кичиклар иззатда бўлган маскан оиладир. Оилада тўғри тарбия олган фарзандлар келажакда юрт нинг суянч тоғлари бўла оладилар. Оила мукаддас кўрғон, иссиқ гўша. Инсон оиласидагина ўзини хотиржам ҳис қилади. Юксак маънавият эса, мустаҳкам оилада шаклланади.

3.2. Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси умуммиллий сиёсатида аҳоли сиёсати алоғида ўрин эгаллайди. Чунки мазкур сиёсат марказида республика аҳолиси туради. Давлат миллий сиёсатининг мақсади ва вазифаларини ҳозирги вақтдаги демографик вазият, республиканинг социал-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бунда оилаларнинг миллий-этниқ хусусиятларини, маданий анъаналарини ва маънавий қадриятларини, урф-одатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг республика социал-иқтисодий ривожланганлиги хусусиятларини инобатга олган ҳолда аҳоли сиёсатининг мақсадига мувофиқ бўлган қуйидаги асосий вазифаларини алоҳида эътироф этиш мумкин:

- аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ўртача умрни узайтириш;
- аҳоли, айниқса туб аҳолининг урбанизациялашганлик даражасини кўтариш;
- она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида туғилтиш жараёнини тартибга тушириш;
- аҳоли, айниқса болалар ва оналар ўлимини қисқартириш;

- аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ижтимоий таркибини такомиллаштириш;
- аҳолининг, даставвал қишлоқ аҳолисининг ҳудудий фаоллигини кўтариш;
- аҳолининг халқ хўжалиги соҳалари ва тармоқлари микёсида оқилона тақсимланганлигига эришиш, сони тез ўсаётган меҳнат ресурсларининг бандлик даражасини кўтариш.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборат. Бу эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими, ўртача умр даври;
- аҳолининг таълим даражаси ва унинг таркиби;
- аҳолининг касб-хунарга тайёргарлик даражаси;
- аҳолининг ижтимоий таркиби ва ижтимоий мобиллиги;
- аҳолининг урбанизациялашганлиги;
- аҳолининг миграцион ҳаракати;

Аҳолининг маънавий ва маданий қадриятлари, уларнинг сақлаш ва эъзозлаш.

Кейинги йилларда ўзбек миллати генофондининг бузилганлик белгиларининг мавжудлиги кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш бшйича тез фурсатда зарурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинган ва давлат дастури қабул қилинди. Бу давлат дастурининг асосий мақсад ва вазифалари ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофоза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида

тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шаллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар оилалар мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида тизимли ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий тадбирлар сарҳисобига назар ташлайдиган бўлсак қуйидагиларнинг гувоҳи бўламиз.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш мамлакатимиз иқти-содиётида рўй бераётган ўзгаришлар, модернизация жараёнларининг нечоғлиқ самарали амалга оширилаётгани билан белгиланади. Иқтисодий ўсиш таъминланаётган мамлакатдагина аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли да-ромадларини ошириш каби стратегик мақсадларга эришиш таъминланади. Бу каби кўрсат-кичлар сарҳисоби ҳақида фикр юритганда, жорий йилнинг тўққиз ойлик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлилларига эътибор қаратадиган бўлсак, барча масалалар ой-динлашади⁵.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилди (3.1-жадвал). Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларининг сақ-ланиши мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бу инфляция даражасининг пастлиги, давлат бюджети профицита ва мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдосида ўз ифодасини топмоқца.

⁵Қаранг: Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган „Ўзбекистон Республикасини 2012 йилнинг тўққиз ойида итимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида"ги мажлис. — „Халқ сўзи" газетаси, 2012 йил 6 ноябрь.

3.1-жадвал

2012 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(2011 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари, фоизда
1.	Ялпи ички маҳсулот	108,2
2.	Саноат маҳсулотлари	107,2
3.	Истеъмол товарлари	107,5
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,1
5.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	109,8
6.	Қурилиш ишлари ҳажми	109,8 ,
7.	Чакана савдо айланмаси	112,6
8.	Хизматлар	113,8

Саноатни янада ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ҳажмини 7,5 фоизга ошириш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни ошириш ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 7,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, инфратузилма объектларини

қуриш ҳамда реконструкция қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши капитал қўйилмалар ва қурилиш ишлари ҳаж-мини 9,8 фоизга ошириш имконини берди.

Аҳоли жами даромадининг 24,6 фоизга ошишини таъминлаган ва ички талабни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар чакана савдо ҳажмини 12,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 13,8 фоиз кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1074 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйи-ча қиймати 6,2 триллион сўмлик ёки 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 25,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. 957 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 3,3 миллиард доллар-дан ортиқни ташкил қилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улуши 2011 йилнинг шу давридаги 23,9 фоиздан 25,3 фоизга кўпайди.

Худудлар саноат салоҳиятини ошириш дастурининг рўёбга чиқарилиши натижасида шу йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 253 та лойиҳа амалга оширилди, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 7,9 фоизга ошди.

Ип-газлама, трикотаж полотно, пайпоқлар, чарм товарлар, чой, спиртсиз ичимлик-лар, сариёғ, мева-сабзавот ва балиқ консервалари, кондиционерлар, электр дазмоллар, энергия тежовчи лампалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида янги турдаги кир ювиш машикалари, микротўлқинли печлар, газ плиталари ва чангюткичлар, 40 номдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика иктисодиёти тармоклари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўшимча рағбатлантиришга дойр чора-тадбирлар экспорт ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,4 фоизга ошириш имконини берди. Бунда сульфат аммоний, хлорли калий, печь ёқилғиси, электр энергияси, мис ва ундан тайёрланган буюмлар, вольфрам, енгил ва юк автомобиллари, ип ҳамда боғпқа маҳсулотларни экспортга етказиб бериш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бундан ташқари, турли русумдаги юк автомобиллари, автомобиль ташиш, канал қазилар техникалари, автомобиллар учун ўриндиқ ва бошқа жиҳозлар, майший газ ва электр печлар, духовкалар, санитария-гигиена буюмлари, ошхона учун ҳаво торткичлар, сирланган сим, металл тур, турли кимёвий буюмлар ва ўғитлар, 15 турдан ортиқ янги трикотаж буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилина бошлади.

30,8 фоиз ошди. Банклар ресурс базасининг кўпайиши эса иктисодиёт реал сектори корхоналарини, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва техно-логик янгилаш учун кредит билан таъминлаш ҳажмини 30,6 фоизга ошириш имконини берди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиш ҳажмини кўпайтириш, яқка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш эъзига ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантиришга оид кўрилган чора-тадбирлар хизматлар кўрсатиш ҳажмини 13,8 фоизга, жумладан, пуллик хизматлар кўрсатиш 14,9 фоизга ошириш имконини берди. Натижада ялпи ички маҳсулотда хизматлар улуши 2011 йилнинг шу давридаги 48,8 фоиз ўрнига 49,6 фоизга ўсди. 2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида юртимизда 18,4 мингта янги кичик бизнес субъекта (фермер хужаликларини ҳисобга олмаганда) ташкил этилди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо ва умумий овқатланиш (жами ташкил этилганларнинг 27,8 фоизи) ҳамда саноат тармоқларида (23,6 фоиз) ташкил қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий киймати 19,4 миллиард сўмлик 55 та давлат активи сотилди, қарийб 17,6 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объекти ижарага берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан киймати 4,2 триллион сўмлик (ўсиш 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар) кредитлар, жумладан, 857,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар) ажратилди.

Кичик бизнес субъектларидан қилинадиган давлат харидлари ҳажми 229,1 миллиард сўмни ташкил қилди (электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92,9 фоизи). 7 мингдан зиёд кичик бизнес субъекта ўз товар ва хизматлари билан давлат харидлари тизимида иштирок этди. 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан киймати 1,7 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 51 фоиз (2011 йилнинг 9 ойида 50,5 фоиз), саноатда 21,4 фоиз (20,7 фоиз), инвестиция-ларда 35,2 фоиз (30,2 фоиз), қурилишда 71,8 фоиз (70,4 фоиз), экспортда 15,5 фоиз (15,3 фоиз), бандликда 75,5 фоиз (74,9 фоиз)ни ташкил этди. Умуман, йил бошидан буён мамлакатимизда 882 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан, енгил саноат ва тўқимачилик тармоғида (337 та объект), озиқ-овқат саноатида (234), қурилиш материаллари саноатида (189), ёғочни қайта ишлаш саноатида (46), машинасозлик саноатида (14), кимё саноатида (16) ва бошқа соҳаларда (46) янги объектлар ишга туширилди.

2012 йилнинг 9 ойида „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ишга туширилган 11 та корхона томонидан умумий киймати 47,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида 7 та янги

инвестициявий лойиха амалга оширилмокда, шундан 3 та лойиха бўйича объектларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмокда. Янги ташкил этилган „Ангрен“ ЭИЗ ҳудудида қиймати 185,8 миллион долларлик 8 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник ва тех-нологик янгилаш бўйича чора-тадбирларни давом эттириш бўйича 2012 йилнинг 9 ойи давомида 677,9 километр коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунлан-ди, 11,2 минг километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқ-лари, 340,1 километрлик ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 720 та вертикал дренаж қудуғи ва 8 та мелиорация насос станцияси тикланди.

„Ўзқишлоқмашлизинг“ компанияси орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи-ларига лизинг асосида 793 та қипғлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, 658 та трактор ва 135 та ғалла ўрадиган комбайн етказиб берилди.

Сабзавот экинлари, боғлар ва тоқзорлар майдони сезиларли равишда кенгайди: асосий ва оралик майдонлардаги 244,1 минг гектар ерга сабзавотлар, 84,6 минг гектарга картошка ва 58,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 7,6 минг гектар май-донда янги боғлар ташкил этилди, шундан 2,6 минг гектарда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар ерда тоқзорлар яратилган, 8,5 минг гектар ердаги боғлар ва 6 минг гектар ердаги тоқзорлар қайта тикланди. Аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидаги 266,8 гектар майдонда 9456 та иссиқхона ташкил килинди. Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 13,4 минг тонна сифимга эга бўлган 44 та янги музлаткич

камераси ташкил килинди ва 8,3 минг тонна сифимга эга бўлган 12 та музлаткич камераси модернизация килинди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 2012 йилнинг тўққиз ойи мобай-нида 5,4 миллион тонна сабзаёт (2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 111,1 фоиз), 1,5 миллион тонна картошка (110,7 фоиз), 1 миллион тоннадан ортиқ полиз маҳсулот-лари (109 фоиз), 1,4 миллион тонна мева-резаворлар (110,3 фоиз), 0,8 миллион тонна узум (112,1 фоиз) етиштирилди. Қайта ишланган мева-сабзаёт маҳсулотларининг ҳажми 1,1 миллион тоннани ташкил этди (2011 йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,1 фоиз).

Чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида йил бошидан буён чорва моллари сотиб олиш учун шахсий томорқа хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига тижо-рат банклари томонидан киймати 60,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. 19,6 минг бош қорамолга мўлжалланган 802 та чорвачилик хўжалиги, 3,8 миллион парранда боқиш учун мўлжалланган 557 та паррандачилик хўжалиги, 530 та баликчилик ва 511 асаларичилик хўжалиги ташкил этилди. Натижада йирик қорамолларнинг умумий сони 9,97 миллион бошга етди (2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 фоиз ўсди), гўшт етиштириш ҳажми 7 фоизга (1211,5 минг тонна), сут 7,2 фоиз (5261,5 минг тонна), тухум 14 фоиз (2920 миллион дона)га ўсди.

Иш ўринларини яратиш дастурини амалга ошириш доирасида 2012 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимиз бўйича 773 мингта иш ўрни яратилди, шундан 486,1 мингтаси (умумий кўрсаткич 62,9 фоизи) кишлоқ жойларда ташкил килинди.

Янги корхоналарнинг ишга туширилиши, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кен-гайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан — 45,6 мингта, янги кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан — 81 мингта, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан — 88 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма

объектларида — 45 мингта, касаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш хисобидан — 183,4 мингта, қишлоқ хўжалигида — 105,5 мингта, фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш хисобидан — 24,5 мингта иш ўрни яратилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 9 ойида аҳолининг умумий даро-мадларининг изчил ўсиши таъминланди ва ўсиш ўтган йил даражасига нисбатан 24,6 фоизни ташкил этди, бунда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 18,9 фоиз ўсди.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳукумати-мизнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш-ни кучайтиришга ва оилаларнинг ижтимо-**64** ий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилган қарорлари ишлаб чиқилди ва қабул килинди. Ўзбекистан Республикасининг „Оилавий тадбиркорлик тўғрисида“ги қонуни қабул килинди. Унда оилавий тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Оилаларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги қарорига

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фой-даланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди.

Қишлоқдарда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингта яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди. Бу

ҳолат кишлоқ шароитида яшаётган аҳоли ҳаёти-нинг том маънода яхшиланишига олиб келди.

Дастур доирасида эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтириш-га алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовор. Чунки, айнан бу қатламни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш барча даврларда бўлгани каби энг хайрли ишлар сирасига киради. Айниқса, 2012 йилда боқувчисини йўқотган, ёрдамга мухтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга киймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган кишки кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилди, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олди.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди. 1000 дан ортиқ кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилгани ушбу йўлда-ги самарали ишларнинг давоми бўлди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва мик-рофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ушбу соҳадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жо ёлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-киз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани аҳолининг бандлиги масаласини ечишда яна бир жиддий кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Парламента қабул қилган оилавий тадбиркорлик ва ху-сусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунлар асосида ўтган давр мобай-нида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўми, жумладан, хо-тин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўми ташкил этди. Шунингдек, Қўрақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг сало-ҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада „Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга дойр қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, хонадонлар-нинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёллар-нинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кен-гайитириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу ҳолат оилаларнинг ижтимоий ҳаётини шароитларининг янада яхшиланишига катта ёрдам бермоқда.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг

оғирини енгил килиш, аҳолининг тур-муш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

2012 йилда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми, аввало, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилди. Иш хаки, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22—24 фоизга кўпайиши белгиланди⁶. Юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган диққат-эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапирганда, 2012 йилда 2009 йилда бопланган ва халқимизни, авваламбор, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилма-сини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастур давом эттирилганини таъкидлаш жоиз.

2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса,

2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб ўтиб, уй тўйларини нишонлади"⁷.

Бундай кенг қамровли тизимли ишларнинг давоми сифатида 2012 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбе-кистоннинг 2013 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджета лойиҳаси муҳокама қилинганда, 2013 йилда бюджет маблағларининг 59 фоизидан кўп қисми айнан

Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 1 январь.

Каримов И.Л. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 1 январь.

ижтимоий соҳани молиялаштиришга қаратилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Давлат бюджетининг харажатларида 130 ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касал-ликлар шифохонаси, 400 ўринга мўлжалланган 5 та сил касалликлари санаторийси, шунингдек, 5800 нафар шифокор хузурига келувчини ва 7600 нафар беморни қабул қила оладиган 54 та туман тиббиёт муассасаси қуриш ва уларни реконструкция қилиш белгиланган. Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан молиялаш-тириладиган „Саломатлик-3“ лойиҳасини амалга ошириш доирасида 150 та туман мар-казий шифохонасини 96 турдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, 313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан капитал таъмир-ланади ва реконструкция қилинади. 1500 дан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув лабораториялари билан таъминланади. 54 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, 137 та спорт зали ва 25 та болалар спорта объекти қуриш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштарилмоқда⁸.

Бундан кўринадики, „Обод турмуш йили“да (2013 йилда) давлат бюджета харажат-лари ўтган йилга нисбатан 22 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда (2,8 триллион сўм).

Мухтасар айтганда, яқунланаётган 2012 йилда амалга оширилган мамлакатни модернизация қилиш, иктисодиётни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг турмуш шароитани яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдириш каби

эзгу ишлар 2013 йилда янада жадал амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги тутган роли ва ижтимоий мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ўстириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида хотин-қизларнинг фаолиятини кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш орқали уларнинг уй меҳнатини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина “Обод турмуш йили” Давлат дастурида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш орқали меҳнатини енгиллаштириш буйича ижобий ишлар амалга оширилди.

Имтиёзли кредитлар бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги ишлар бунинг яққол мисолидир:

- аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик корхоналарга, шунингдек аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарга;

- оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида чорва моллари ва паррандалар ҳамда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олиш учун;

- тадбиркор аёлларга Халқаро ғамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси томонидан берилган кичик тадбиркорликни микрокредитлашнинг тикланадиган кредит жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошланғич капитални тўлдириш учун;

- аҳолини, жумладан аёллар ва ёшларни кундалик спорт билан шуғулланишлари учун маҳаллаларда спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишга;

-аёл фермерларга,қизларга, шу жумладан,айниқса, касб-хунар коллежлари ва оий таълим муассасаларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамиятимида амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида оилада амалга оширилаётган тарбия мазмуни фарзандда ўз ота-онасидан,оиласи,авлод-аждодлари тарихидан,ўзи туғилиб ўсган ўлкаси,Ватани,миллати,халқи,тили,дини,миллий анъаналаридан ғурурланиш ҳиссини шакллантиришга алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек оиласи мустаҳкам,қадди тик ҳисобланар экан, бу кўрғоннинг ижтимоий,иқтисодий.маънавий манфаатлари,давлат,жамият диққат эътиборида экан,унга ҳеч қандай ёвуз куч,ғоя,қийинчилик таъсир этолмайди,аксинча у барқарорлашади,мустаҳкам ва фаровон бўлиб равнақ топади.Умуман олганда оила ва унинг моҳияти,оиланинг ҳар томонлама равнақи ва жипслигини таъминлаш шарт шароитлари,оила тарбияси-миллий ифтихор,унинг жамият негизи эканлиги,оила ичидаги оила камолотини таъминлаш сингари муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни халққа содда ва тушунарли тарзда етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

ХУЛОСА

Миллий мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки ғоявий тарбия жараёни жуда мураккаб жараёндир. Шу сабабли оилаларда ташкил этилаётган тарбия ўзининг туб моҳиятига ўра миллий хусусиятларни номоён этиш билан бирга ижтимоий оила тарбияси муҳим вазифалардан бири сифатида майдонга чиқади.

Ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашда оила ва жамиятни ўрни, уни тарбиядаги узвийлиги, узликсизлик асосида амалга ошириш бу яхлит бир қонуний жараён ҳисобланади.

Оилада бола тарбиясига алоҳида эътибор берилар экан қуйидагиларга амал қилинади;

- таълим тарбиянинг замонавий талаб даражасига ва тарбия қонуниятларига амал қилади;

- Оилада бериладиган тарбия мазмунига;

- оилада фарзанд тарбиясидага маҳорат ва маданиятига амал қилиш.

Оилада фарзанд тарбиясига қўйиладиган талаблар:

- Оила тарбиясига доир бир бутун муаммоларни ҳал этиш;

- Оилавий тарбиянинг самарадорлигини ошириш ва унинг давлатни устувор талабларига жавоб берадиган комил инсонни тарбиялаш;

- Оилада фарзанд тарбиясида миллий кадриятлардан ўринли фойдаланиш;

- -фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиш;

- Баркамол инсон тарбиясига доир муаммоларни ҳал қилиш доимий вааётӣй изланишларни талаб этади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун

оилада бериладиган тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари, тамойил ва методларига доир билимга эга бўлиши лозим. Чунки ғоявий тарбияда оила муҳим ўрин тутар экан, комил инсон тарбияси кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамма фанлар муҳим аҳамият касб этади.

Буюк аллома Абу Наср ал-Фаробий “Талҳизу Наволис” (Афлотун қонуниятларини моҳияти) асарида инсон камолотида фалсафа фанининг таъсирида ривожланишини шундай деб ёритади : “Яхши фазилатга бўлган шаҳар аҳолиси энг бахтиёр одамлар бўлишлари, қонунларга ихтиёрий бўйсунини таъминлаш учун қонунларни такомиллаштириш, улардаги қоидаларни мустаҳкамлашдир”. Оилада бола тарбияси жараёнида миллий анъаналарга содиқ, ватанпарвар, инсонпарварлик фазилатларини мужассамлаштириш да ғоявий тарбия муҳим ўрин тутди. Шу сабабли оилада тарбия беришнинг қуйидаги методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Бадий адабиётларни ўрганиш методи;
- Кузатиш методи; -Сухбат методи;
- Оила шажарасини ўргатиш методи;
- Оилада бола ижодий қобилиятини ўрганиш методи;
- Статистик маълумотларни анализ ва синтез қилиш методи;
- Анкеталар методи

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта, бу бежиз эмас, чунки келажагимизнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Зеро фаровон оилада фарзандлар эркин камол вояга етар экан, улар ҳақиқий маънода баркамол бўлишлари учун замин яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 й.
2. И.Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура”, 1-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 й.
3. И.Каримов “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, 2-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 й.
4. И.Каримов “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, 3-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 й.
5. И.Каримов “Бунёдкорлик йўлида”, 4-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 й.
6. И.Каримов “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”, 5-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 й.
7. И.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 й.
8. И.Каримов “Маънавий юксалиш йўлида”, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 й.
9. И.Каримов “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин”, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 йил, 2-сон.
10. И.Каримов “Хавфсизликка ва барқарор тараққиёт йўлида”, 6-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 й.
11. И.Каримов “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз”, 7-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 й.
12. И.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз”, 8-жилд, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 й.

13. И.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 й.
14. И.Каримов “Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”: “Фидокор” газетаси мухбири савлларига жавоблар. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 й.
15. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси. // “Инсон ҳуқуқлари: ўқув қўлланмаси”, Т.: “Адолат” нашриёти, 1998 й.
16. И.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: “Маънавият” 2008 й.
17. И.Каримов БМТ саммитининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2010 йил 21 сентябр.
18. “Соғлом она,соғлом бола – соғлом авлод гарови” Республика илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент. 2010 й

Интернет ресурслари

www.google.com/uz

www.ziynet.uz

www.gov.uz

МУНДАРИЖА

КИРИШ_____1-9

I-БОБ. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ ДАВЛАТ

СИЁСАТИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ЭКАНЛИГИ

1.4. Оила тарбия маскани_____10-21

1.5. Миллий ғоя ва оила маънавияти _____22-29

1.6. Оилада Ватанпарварлик маънавияти _____30-32

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ

МУНОСАБАТ ОМИЛЛАРИ.

2. 1. Оилада ота-онанинг ўрни._____33-40

**2.2. Соғлом оила – соғлом турмуш тарзида вужудга келиш
омиллари.**_____41-43

2.3. Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолат омиллари.___44-49

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРМОНИЯСИ_____48-54

3.1. Юксак маънавият мустаҳкам оилада шаклланади __55-57

3.2. Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг хусусиятлари _____58-72

ХУЛОСА _____73-76

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____77

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бакалавр даражасини олиш
учун Мавлонов Фарҳоджоннинг «Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият муносабатлари»
мавзусидаги ёзган битирув малакавий ишига илмий раҳбар**

ХУЛОСАСИ

Битирувчи талаба Мавлонов Фарҳоджон «Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият муносабатлари» мавзусидаги ёзган битирув малакавий иши ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Чунки мамлакатимиз тараққиётида оиланинг ўрни бекиёс. Шу сабабли ушбу мавзунинг ёритишда талаба мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида оилага, унинг фаровонлиги учун амалга оширилаётган тадбирлар давлат миқёсидаги аҳамиятини илмий асослашга ҳаракат қилган.

Юксак маънавий маданият, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахсни тарбиялаш муаммоси сиёсий, иқтисодий, фуқаролик ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида ўз – ўзини бошқариш тизими – маҳалланинг ўрни ортиб бормоқда. Оилада бола тарбияси мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада жамиятнинг ўзини – ўзи бошқаришнинг миллий тизими маҳалланинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши, оила аъзоларига, ёшларга ғоявий тарбия беришдаги ўрни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

БМИда асосий эътибор, оила, оиланинг тинчлиги, ота-оналарнинг вазифалари, оиладаги ахлоқий тарбиянинг аҳамиятини асослаш ҳамда маҳалланинг мустақил тараққиётда тутган ўрни, унинг тарихи, мазмун – моҳияти, тарбия жараёнида тутган ўрнини илмий асослаб бериш ҳаракат қилинган..

БМИ, Кириш, уч боб ва 8 параграфдан иборат бўлиб, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Биринчи боб “Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлиги” деб номланиб, уч параграфга “Оила тарбия маскани”, “Миллий ғоя ва оила маънавияти”, “Оилада ватанпарварлик маънавияти” каби параграфларга бўлинган ва далиллар асосида илмий таҳлил қилинган.

Иккинчи боб “Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият муносабат омиллари” деб номланиб, ўзида “Оилада ота – онанинг ўрни”, “Соғлом оила – соғлом турмуш тарзида вужудга келиши омиллари”, “Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолатлари” материаллари илмий таҳлил қилинган.

Учинчи боб эса “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва оила мустақамлиги гармонияси” мавзусига бағишланган бўлиб “Юксак маънавиятли авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни”, “Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг хусусиятлари” муҳокама қилинган.

БМИнинг Хулоса қисмида Мавлонов Фарҳоджон мавзунини умумлаштириб, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун оилада бериладиган тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари, тамойил ва методларига доир билимга эга бўлиши лозим. Чунки ғоявий тарбияда оила муҳим ўрин тутар экан, комил инсон тарбияси кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамма

фанлар муҳим аҳамият касб этишини илмий асослашга ҳаракат қилган.

.БМИда айрим техник хатоликлар мавжуд бўлиб , мавзунинг ёритилишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда БМИни ижобий баҳолаб ҳимояга чиқишга тавсия этаман.

Илмий раҳбар :

Катта ўқитувчи Кенжаев Ш.Х

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бакалавр даражасини олиш
учун Мавлонов Фарҳоджоннинг «Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият муносабатлари»
мавзусидаги ёзган битирув малакавий ишига илмий раҳбар**

ХУЛОСАСИ

“Миллий ғоя ,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”йўналиши битирувчиси Мавлонов Фарҳоджоннинг “Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият муносабатлари” мавзусидаги Битирув Малакавий иши ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.Чунки мамлакатимиз тараққиётида оиланинг ўрни бекиёс.Шу сабабли ушбу мавзунинг ёритишда талаба мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида оиланинг , унинг фаровонлиги учун амалга оширилаётган тадбирлар давлат миқёсидаги аҳамиятини илмий асослашга ҳаракат қилган

Юксак маънавий маданият, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахсни тарбиялаш муаммоси сиёсий, иқтисодий, фуқаролик ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида ўз – ўзини бошқариш тизими –маҳалланинг ўрни ортиб бормоқда. Оилада бола тарбияси мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.Бу борада жамиятнинг ўзини –ўзи бошқаришнинг миллий тизими маҳалланинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши,оила аъзоларига ,ёшларга ғоявий тарбия беришдаги ўрни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

БМИда асосий эътибор , оила , оиланинг тинчлиги , ота-оналарнинг вазифалари, оиладаги ахлоқий тарбиянинг аҳамиятини асослаш ҳамда маҳалланинг мустақил тараққиётда тутган ўрни . унинг тарихи, мазмун – моҳияти , тарбия жараёнида тутган ўрнини илмий асослаб бериш ҳаракат қилинган.

БМИ , Кириш,уч боб ва 8 фаслдан иборат бўлиб , бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Биринчи боб “ Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлиги” деб номланиб, уч фаслга , “Оила тарбия маскани” , “ Миллий ғоя ва оила маънавияти” , “Оилада ватанпарварлик маънавияти” каби фаслларга бўлинган ва далиллар асосида илмий таҳлил қилинган.

Иккинчи боб “Ўзбекистонда оила , давлат ва жамият муносабат омиллари” деб номланиб,ўзида “Оилада ота – онанинг ўрни ” , “ Соғлом оила – соғлом турмуш тарзида вужудга келиши омиллари”

, “Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий кафолотлари” фаслларига бўлинган бўлиб, илмий таҳлил қилинган.

Учинчи боб эса “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва оила мустаҳкамлиги гармонияси” мавзусига бағишланган бўлиб “Юксак маънавиятли авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни”, “Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг хусусиятлари”илмий далиллар асосида ёритилган.

БМИнинг Хулоса қисмида Мавлонов Фарҳоджон мавзуни умумлаштириб, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун оилада бериладиган тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари, таъмоийил ва методларига доир билимга эга бўлиши лозим. Чунки ғоявий тарбияда оила муҳим ўрин тутар экан, комил инсон тарбияси кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамма фанлар муҳим аҳамият касб этишини илмий асослашга ҳаракат қилган.

.БМИда айрим техник хатоликлар мавжуд бўлиб, мавзунинг ёритилишига салбий таъсир қурсатмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда БМИни ижобий баҳолаб ҳимояга чиқишга тавсия этаман.

Илмий раҳбар :

Катта ўқитувчи Кенжаев Ш.Х